

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ

**Олий таълимда миллий ғоя ва
маънавият асослари фанларини
ўқитишнинг назарий асослари**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: **М.А.Собирова** - Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар: **С.Х.Худайназаров** - ЎзМУ “Фуқаролик жамият ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди
Н.М.Акаева - Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти

Хорижий эксперт: п.ф.док., профессор **А.Х.Пулотов** – академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 13 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ..... | 20 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | 111 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ | 125 |
| VI. ГЛОССАРИЙ | 133 |
| VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 136 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг назарий асослари бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

– миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;

– модулнинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;

– фаннинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;

– олий таълим тизимида тарих таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;

– таълим мазмунини модернизациялашни;

– таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

– таълимдаги инновацияларни билиши керак.

– фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

– фанни ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

– ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

– дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

– миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;

– машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимини бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг назарий асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилди. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Жами | Жумладан | |
|-------------|--|-----------|----------|-----------|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Миллий ғоя ва маънавият асослар туркумидаги фанларини ўқитишнинг назарий-ҳуқуқий асослари | 4 | 2 | 2 |
| 2. | “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”. | 4 | 2 | 2 |
| 3. | Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар. | 4 | 2 | 2 |
| 4. | Компетенцияларга асосланган таълим. Мафкуравий компетенция ва уни ривожлантириш зарурияти. | 4 | 2 | 2 |
| 5. | Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда ижтимоий фанлардаги энг сўнгги янгиликлар ва ютуқлардан мавзу доирасида фойдаланиш. | 2 | - | 2 |
| 6. | Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларга оид янги адабиётлар таҳлили. | 2 | - | 2 |
| Жами | | 20 | 8 | 12 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Миллий ғоя ва маънавият асослар туркумидаги фанларини ўқитишнинг назарий-ҳуқуқий асослари

Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари. Жамият, миллат манфаатларини акс эттирувчи қарашлар. Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари.

Миллий ғоя ва сиёсат. Миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси. Мамлакатимизда миллий ғоя таълимнинг жорий этилиши. Ўзбекистон

Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ва маънавий тарбия йўналишлари.

2-мавзу. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”.

Миллий ғоя – соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидларига куч-қудрат, ғайрат бахш этадиган, миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омил. Мамлакатимизни тараққий эттириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни ривожлантириш долзарб масалага айланиши. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши.

Миллий юксалиш – ўзини, ўзлигини, Ватани ва ватандошларини англаган ҳамда қадрлаган онгли, фидойи ва садоқатли инсонларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракати натижаси эканлиги. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси. Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари.

3-мавзу. Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитиладиган миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва уларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, ечимини кутаётган муаммолар.

Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши.

Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари.

4-мавзу. Компетенцияларга асосланган таълим. Мафкуравий компетенция ва уни ривожлантириш зарурияти

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялар.

Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси. Компетенцияларга асосланган таълим.

Бугунги кунда профессор-ўқитувчиларнинг мафкуравий компетентлигини шакллантириш зарурияти. Галаба ёшларнинг маънавий ва ғоявий тарбиясида педагогларнинг ўрни ва роли. Профессор-ўқитувчиларнинг имидж масаласи, нутқий салоҳияти, кундалик фаолиятда сўз ва амал бирлиги масаласи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Миллий ғоя ва маънавият асослар туркумидаги фанларини ўқитишнинг назарий-ҳуқуқий асослари

Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари. Жамият, миллат манфаатларини акс эттирувчи қарашлар. Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари.

Миллий ғоя ва сиёсат. Миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси. Мамлакатимизда миллий ғоя таълимининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ва маънавий тарбия йўналишлари.

2-амалий машғулот: “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”.

Миллий ғоя – соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидларига куч-қудрат, ғайрат бахш этадиган, миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омил. Мамлакатимизни тараққий эттириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор

вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни ривожлантириш долзарб масалага айланиши. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши.

Миллий юксалиш – ўзини, ўзлигини, Ватани ва ватандошларини англаган ҳамда қадрлаган онгли, фидойи ва садоқатли инсонларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракати натижаси эканлиги. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси. Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари.

3-амалий машғулот: Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитиладиган миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва уларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, ечимини кутаётган муаммолар.

Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши.

Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари.

4-амалий машғулот: Компетенцияларга асосланган таълим.

Мафкуравий компетенция ва уни ривожлантиришнинг зарурияти

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялар.

Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси. Компетенцияларга асосланган таълим.

Мафкуравий компетенция ва уни ривожлантиришнинг зарурияти. Миллий ва маънавият туркумига кирувчи фанларнинг ўқитувчисига қўйиладиган компетенциявий талаблар, ўқитувчининг шахсий хусусиятлари.

5-амалий машғулот: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда ижтимоий фанлардаги энг сўнгги янгиликлар ва ютуқлардан мавзу доирасида фойдаланиш

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодимизнинг дунёқарашини шакллантиришдаги имкониятлари. Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда ижтимоий фанлар (Тарих, Диншунослик, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Она тили ва адабиёт)даги энг сўнгги янгиликлар ва ютуқлардан мавзу доирасида фойдаланиш. Талаба ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти.

6-амалий машғулот: Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларга оид янги адабиётлар таҳлили

Ўқув адабиёти турлари: дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, қўшимча адабиётлар, илмий асарлар, илмий оммабоп асарлар, бадиий адабиётлар ва ҳк. Бугунги кунда ўқув адабиётларига қўйилаётган талаблар. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларга оид адабиётларнинг хусусиятлари, вазифалари. “Ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойили.

Бугунги кунда яратилаётган миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларга оид янги адабиётлар таҳлили.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда фанча фанларни ўқитишга қўйилаётган талабларда белгиланганидек, миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнида ҳам илғор педагогик технологиялар ва интерфаол таълим методларини қўллаш, амалда қўлланилаётган ва янги ўқув қўлланмаларнинг мазмун-мундарижаларини ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга кафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланади.

Инновацион педагогик технология ўз тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: машғулот тури, унга ажратилган вақт, асосий кўриладиган саволлар, таянч тушунча ва иборалар, ўқитувчининг мақсадлари, асосий саволлар матни, назорат топшириқлари, мустақил ишлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, натижаларни баҳолаш. Ҳар бир ўқитувчи дарс режа ишланмаси тузаётганда инновацион педагогик технологиянинг барча элементларини оқилона қўллаши юқори самара беради.

Интерфаол методлар эса таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлардир. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Дарс жараёнида интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаланинг бир томони холос. Кенг маънода эса ўқув–тарбия жараёнининг яхлит тарзда, мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Педагогик жараёнда муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълим технологиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;

- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Қуйида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол методларнинг айримлари келтириб ўтилган:

1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органиайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “КЕЙС-СТАДИ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.


Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

3. “КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан қуйидагича фойдаланилади:



4. “Балиқ скелети” ГО

Таълим олувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда таълим олувчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

5. “ИНСЕРТ” ГО

Янги мавзу бўйича ўқувчи (таълим олувчи)ларнинг муайян тушунчаларга эғалиklarини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

6. “КЛАСТЕР” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

7. “МУНОСАБАТ” МЕТОДИ

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

8. “НИЛУФАР ГУЛИ” ГО

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

9. “РЕЖА” МЕТОДИ

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгаллик инобатга олинади.

10. “Т-ЖАДВАЛ” ГО

График органайзер таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

11. “SWOT-ТАҲЛИЛ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим олувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:




График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

| № | Тушунчалар | (Ф) | (С) | (М) | (У) |
|----|-----------------------|-----|-----|-----|-----|
| 1. | Таълим методлари | | | | |
| 2. | Таълим воситалари | | | | |
| 3. | Таълимни ташхис қилиш | | | | |

12. “ҚАРАМА-ҚАРШИ МУНОСАБАТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўз моҳиятига кўра таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни таҳлил ҳамда синтез қилиш асосида мавзунини ёритишда аҳамиятли бўлган таянч тушунчаларни асосий ва иккинчи даражали сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Таълим олувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборига қуйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

| Таянч тушунчалар | | | |
|------------------|------------------|----|---------------------------|
| № | Мухим тушунчалар | № | Мухим бўлмаган тушунчалар |
| 1. | | 1. | |
| | | 2. | |


13. “ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ”

(“ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ”) СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Модулнинг ғоявий-назарий асослари, мақсад ва вазифалари
2. Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари.
3. Жамият, миллат манфаатларини ақс эттирувчи қарашлар. Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари.
4. Миллий ғоя ва сиёсат. Миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси.
5. Мамлакатимизда миллий ғоя таълимнинг жорий этилиши.

Таянч тушунчалар: Миллий ғоя, маънавият, маънавият асослари, маънавият ривож, тарихий хотира, миллий ғоянинг тарихий илдизлари, миллий ғоянинг фалсафий илдизлари, миллат, миллат манфати, фалсафа, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълимда миллий ғоя, маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишнинг назарий асослари.

1. Модулнинг ғоявий-назарий асослари, мақсад ва вазифалари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдир ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Эндиликда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни узоқ давр мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда. Айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манфаатлари йўлида

фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ўринда миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар соҳасида тўпланган масалаларни ҳал қилиш ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулияти ва вазифаларини белгилаб олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари катта аҳамият касб этмоқда.

Айни шундай шароитда миллий ғоянинг ҳаёт талаблари ва бугунги тараққиётимизнинг муҳим муаммолари билан бирга ўрганиш, уни янада бойитиш, такомиллаштириш ва тушунтириш, тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг асосий вазифаси талаба ёшларда янгича дунёқараш ва мафкуравий иммунитет асосларини, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ёш авлод қалбида ғоявий бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик, уларни аждодларнинг шонли кечмиши, фидокорлиги ва қаҳрамонона ҳаёти руҳида тарбиялашга қаратилган.

Айниқса, “Ахборот ва глобаллашув асри” деб аталаётган бугунги кунда ушбу мақсадга эришиш учун ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги №3160-сонли қарорида таъкидланганидек, “Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда”.

Таъкидлаш керакки, ёшларимизнинг энг кўп қисми узлуксиз таълим тизимининг алоҳида босқичлари ҳисобланган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида таълим олади.

Ҳар бир тизимда ўқувчи ва талабаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитилади. Ушбу фанлардан ўтиладиган дарсларнинг самарадорлигини ошириш, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг дарс жараёнларида янги педагогик технологиялардан самарали ва тўғри фойдаланиши – ўқувчи ва талаба ёшларнинг ғоявий ҳамда маънавий-интеллектуал етуклигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, Ўзбекистонда янги ғоялар, инновацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича кўп

марказлар, жамғармалар фаолият кўрсатиб (Инновацион технологиялар маркази, Республика таълим маркази, “Истеъдод” жамғармаси), бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия жараёнига янги технологияларни татбиқ қилиш муаммолари ва уларнинг ечимларини топиш бўйича кенг фаолият йўлга қуйилган. Ривожланган мамлакатлардаги таълим, тарбия тизими, илғор тажрибалар ва ўзимизнинг республикамизда фаолият кўрсатаётган “янги таълим модели” тизими, инновацион ғояларни ўрганиш устида қизгин иш олиб борилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда талаба ёшларнинг ақлий камолоти ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги табиийки, ҳар бир ўқитувчини ўз устида ишлашга, малакасини оширишга, онги ва салоҳиятини ривожлантиришга, тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб боришга ундайди.

Қолаверса, бугунги кунда шиддат билан кечаётган жараёнлар янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларнинг мазмун ва моҳияти, ўзига хос хусусияти ва дарс жараёнларида қўллаш усулларини чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлигини аниқлатмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялаш учун уларнинг иждоий қобилиятини ўстириш, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантириш зарур бўлганидек, ўз ўрнида профессор-ўқитувчиларда ҳам таълим-тарбия жараёнини тўғри ва муваффақиятли ташкил этиш маҳоратини ошириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда қуйидаги энг муҳим талаблар қўйилмоқда:

– ҳар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланганлиги, яъни дарсдан қўзланган мақсад ҳамда талабалар имкониятини ҳисобга олган ҳолда мавзу ҳажмини белгилаш, унинг мураккаблигини аниқлаш, ўтган дарсдаги ўтилган мавзу билан боғлаш, ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва мустақил ишларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, дарсда керак бўладиган жиҳозларни белгилаш ва қўшимча кўргазмали қуроллар билан бойитиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсда муаммоли вазиятни яратиш;

– миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларини ўқитишда интерфаол усул ва методларларни қўллаш, амалда қўлланилаётган ва янги ўқув қўлланмаларнинг мазмун-мундарижаларини ўрганиш ва таҳлил этиш;

– дарс мавзуларини баён этишда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муқаддас манбаларимиздан, эртак, ривоят, ҳикоя, мақол ва ҳикматлардан, буюк аждодларимизнинг бой меросларидан, ҳозирги замон бадиий адабиёт намуналаридан, мустақиллик даврида яратган асарлардан қизиқарли тарзда ташкил этиладиган дарслар орқали унумли фойдаланиш;

– шунингдек, фанлараро узвийликка эътибор бериш, амалий, ижодий машғулотларни кўпроқ киритиш, бу борада маҳоратли ўқитувчиларнинг ижодий иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш ва ҳк.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитиш жараёнида ҳар бир педагог таълим муассасасининг специфик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятини ўқувчилар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ва дифференциал ёндошган ҳолда ташкил этмоғи ва амалга ошириб бормоғи лозим. Ёшларимизда миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини фаол шакллантириб бориш шубҳасиз уларнинг ғоявий-сиёсий камолотларида алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият, маданият ва таълим ривожланаётган, глобаллашув тобора кенг авж олаётган бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда таълимий инновациялар татбиқини яхшилаш, улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини инновацион йўналтиришнинг зарурлигини қуйидаги ҳолатлар белгилайди:

- Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар таълим сифатини янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлигини тақозо этади. Бунда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва таълим жараёнига татбиқ этишни ўз ичига олган профессор-ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлиги таълим сиёсатини янгилаш воситаси сифатида намоён бўлади.

- Иккинчидан, таълим мазмунининг инсонпарварлашуви, ўқув предметлари ҳажми ва таркибининг ўзгариши таълимнинг янги ташкилий шакл ва технологияларини таълим жараёнига татбиқ этилишини талаб этади.

- Учинчидан, профессор ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга бўлган муносабатлари ўзгариб бормоқда. Аввал инновацион педагогик фаолият, асосан юқоридан тақлиф этилган янгиликларни таълим жараёнига жорий этиш билан чекланган бўлса, ҳозир у танланадиган тадқиқот характерига эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун, таълимни бошқариш ташкилотлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан таълим амалиётига киритилаётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни

ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун қулай таълимий шароит яратиш муҳим йўналишга айланмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг назарий асослари ва долзарб масалаларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув курсининг бош мақсади шу масалаларни янада чуқур ўрганиш, арофлича таҳлил қилишга қаратилган. Модел ўз мазмун моҳиятига кўра ноанъанавий бўлганлиги сабабли унинг илмий методик ишланмасини яратиш чуқур тадқиқот ва изланишларни талаб этади. Модул доирасида танлаб олинган мавзулар ва улар доираси ниҳоятда кенг қамровли эканлигини инобатга олиб белгиланган масалаларни тўлақонли ёритиш ҳамда модулнинг ички мазмунини илмий жиҳатдан бойитиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қарор, фармон ва фармойишлари, асарлари ва нутқлари ҳамда соҳанинг етакчи олимларининг фундаментал асарлари, монографиялари ва илмий мақолаларидан фойдаланилди.

2. Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили.

Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари

Маънавият ва миллий ғоя бир-бири билан боғлиқ бўлган узвий жараёндр. Биз янги дунёқарашга эга бўлган фуқаролар билангина янги жамият қуришимиз мумкин.

Миллий ғояда маънавиятнинг энг устувор категорияларидан бири “ўзликни англаш” туйғуси мужассамлашган. Жумладан, “Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли”¹. “Миллий ғоя – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи”². “Миллий ғоя – миллатни, халқни эзгу мақсадлар сари етакловчи улуғвор фикрдр”³.

“Миллий ғоя деганда аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”⁴.

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 410-б.

² Шу манба

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: ЎФМЖ, 2004. 188-б.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-б.

Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллий ғоя ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий тараққиётни таъминловчи миллий омил сифатида намоён бўлади.

Ўзликни англашнинг энг муҳим омили миллий ғоя ҳисобланади. Ушбу фикримизни асослашдан олдин “ўзликни англаш” тушунчаси мазмунини билиб олиш зарур. Илмий адабиётларда “ўзликни англаш” тушунчасининг ҳам бир қанча талқини учрайди. Масалан “ўзликни англаш – инсонинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи тушунча. Ўзликни англаш жамият олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият туйғуси ҳамдир. Ўзликни англаш мудом тарихий ривожланиб борадиган шакл ва кўринишларда, турли даражаларда намоён бўлади. Унинг биринчи шаклида инсон ҳис этиш орқали ўзини табиатдан, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалардан ажрата билади.

Ўзликни анлашнинг иккинчи шакли янада юқори даражада намоён бўлиб, унда инсон ўзини бирор-бир жамоа, у ёки бу маданиятга тегишли эканлиги орқали англайди. Ва ниҳоят, учинчи, энг юқори даража – ўзини “мен” орқали бошқалар нуқтаи назаридан баҳолаши, эркинлигини ҳис этган ҳолда ҳар бир хатти-ҳаракатига бўлган масъулиятни ҳис этиши, ўзи қилаётган ишларининг тўғри-нотўғрилиги, ҳақ ёки ноҳақлигини назорат қила билишидир”⁵.

Сиёсий фанлар доктори В.Қўчқоров “ўзликни англаш” тушунчаси билан “миллий ўзликни англаш” тушунчаларининг маъно-мазмунини тақлил этади ва қуйидагича изоҳлайди: “Ўзликни англаш кишининг борлиқда ўз ўрнини билиши, ижтимоий муносабатларда ўз “мен”и ва ҳаётий мақсадларини бошқа “мен”лар ҳамда уларнинг ҳаётий мақсадлари билан муносабатида намоён бўладиган индивидуал жиҳатларининг идрок этилиши сифатида қаралади. Ўзликни англашнинг муайян даражаси миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш – миллат ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий мерос, руҳиятга, урф – одат ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишдир”⁶.

Демак, ҳаётнинг маъно-мазмуни, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни анлашдан бошланар экан. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-

⁵Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 704-б.

⁶ Қўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. 12-б.

насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман”, дейди⁷.

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик кудратига, ўзгалар ва бутун борлик олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади. “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?”. Инсон борки, эртами-кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни – ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мен”и билан боғлиқ.

Ўзликни англаш масаласига фақат бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу борадаги қарашлар инсоният жамиятининг пайдо бўлишига бориб тақалади.

Дельфадаги апполон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзилган ва анъана бўйича етти юнон донишмандларидан бири – спарталиқ Хилонга тегишли деб ҳисобланган “Ўзлигини англа” шиори қадимги юнон фалсафасининг ўзак масаласи бўлиб қолди. Юнон мутафаккирларини бу борада изланишга даъват этди. Эрамиздан аввалги V асрда Протагор, “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир” деган фикрни илгари сурди.

Сукрот учун эса “ўзлигини англа” ҳикмати донишмандликнинг қоидасига айланди. “Ўзини англаган инсон, – деган эди у, – ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни кадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди”⁸.

Ислом дини ва тасаввуф таълимотларида ҳам ўзликни анлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. “Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди”. Бу ҳадисда буюк ҳикмат яширинган. Уни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қуйидагича талқин этиш мумкин: ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улуғ бўлмасин, бирор-бир натижа бермайди. Шунинг учун ҳам Ислом аҳли, мутасаввуф алломалар инсонни “олам меҳвари” деб билганлар. Аини пайтда ушбу ҳадис тасаввуф таълимотида қуйидагича талқин этилади. “Инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхаси... Одам – илоҳий оламнинг ажралмас қисми, илоҳий оламдаги илм ва ҳикмат унда бор. Инсонни

⁷ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-б

⁸ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. 63-б.

Илоҳ олами билан боғлайдиган жавҳар – рухдир. Агар Илоҳ оламини билмоқчи бўлсангиз, инсонни, яъни ўзингизни ўрганинг, ўзингизни танинг. Демак, Худони англаш, таниш инсонни англаш ва таниш орқали кечади. Аммо ўзликни англаш, ўзини таниш руҳ ва қалбни поклаш, ақлу шуурни тоблаш, тақво ва тавба йўли орқали борилади”⁹.

Ислом ва тасаввуф таълимотида ихлос ўзликни англашнинг асосий мезони ҳисобланади. Ихлос (арабча – самимийлик, кўнгли очиклик; берилганлик, мухлислик; эътиқод) Чин юракдан, ишонч билан берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр¹⁰.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ўз мезонлари мавжуд бўлиб, улар асосан куйидагилардан иборат:

- а) ўзи туғилиб ўсган заминининг, юртининг, Ватанининг ягоналигини англаш;
- б) ўз она тилини чуқур билиш ва уни ҳурмат қилиш;
- в) ўз миллий маданиятини ва маънавий меросини ҳар томонлама ўзлаштириш ва сақлаш;
- г) ўз тарихини мунтазам ўрганиб бориш¹¹.

2. Миллий ўзликни англаш бу –

- а) халқнинг ўтмиши;
- б) унинг босиб ўтган шонли йўли;
- в) ўзига хос маданияти;
- г) тил бирлиги;
- д) урф-одат ва анъаналари;
- е) тарихан ортирган бой ҳаётий тажрибаси;
- ё) диний қадриятларни англаш ва қадрлашдир¹².

Аслида миллий ғоя маънавият негизида шаклланади. Чунки, Ўзбекистоннинг миллий ғояси мустақкам, туби асрлар қаърига бориб етувчи маънавият асосига курилади. Сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

⁹Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 17-б.

¹⁰Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010. 246-б.

¹¹ Алимova М., Тюменова М., Ҳасанов Ж. Миллий ўзликни англаш жараёнида ижтимоий фаоллик – “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи”. – Гулистон, 2006, 106-бет.

¹² Хўжамуродов И.Р. Истиклол ва ўзликни англаш. – Миллий истиқлол мафкураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. С., 1995, 34-бет.

Миллий ғоя Ватан туйғусидан айро эмас. Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир ўзбекистонликнинг, демак, ҳар биримизнинг тақдиримиз шу давлат ва жамият ривожига боғлиқ эканини чуқур англатиш, бу туйғуни уларда амалий ҳаракатга, ҳаёт тарзига айлантириш миллий ғоянинг энг муҳим хусусиятидир.

Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий ғоя асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллий ғоя уларни Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Фуқароларда янгича дунёқарашни шакллантиришда бугунги кунда миллий ғоянинг ўз ўрни ва роли бор. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев миллий ғояни янада ривожлантириш – бугунги кундаги кечиктириб бўлмайдиган, энг долзарб вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борадаги тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратмоқда: “олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур.

Хусусан, миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”¹³.

Чунки миллий ғояда юрт тинчлиги, ватанпарварлик, комил инсон, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, халқ фаровонлиги каби миллий ва умуминсоний қадриятлар қаторида “ягона Ватан туйғуси”, “Адолат - қонун устуворлигида”, “Халқ розилиги”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Инновацион тараққиёт” каби тушунчаларни ўзида мужассам этган ғоялар илгари сурилган.

Миллий ғоя – миллатнинг олий идеалини, узоқ муддатли мақсадларини, орзу – умидларини, иродасини, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос тарихий „даъвосини“ умумий шаклда ифодалайди. У содда ва тушунарли тарзда икки оғиз сўзда биз интилаётган, кураётган жамиятнинг моҳиятини ифодалаш лозимдир¹⁴. Миллий ғоянинг асосий мазмуни деганда, унда ифодаланган мақсадлар тушунилади. Яъни, миллий тараққиёт ғояларидаги конкрет мақсадлар, унинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу мақсадлар – озод ва обод Ватан, эрки ва фаровон ҳаёт барпо этиш ёки юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришдан иборатдир.

¹³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

¹⁴Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. – Т.: Маънавият, 2001, 6-бет.

Ўз ўрнида миллий ғоянинг ўзак томири бўлган миллий маънавиятимиз ўзининг кўп асрлик тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтди.

Соҳанинг жонкуяр олимларидан бири Муҳаммаджон Имомназаров қайд этганидек, “Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомил жараёни ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, уни чуқур ва ҳартарафлама тадқиқ этиш учун бир неча авлод жиддий тер тўкиши керак бўлади”¹⁵.

Инсоният тарихий такомил ҳозирги Европа илмида 4 асосий даврга ажратилади:

1. Ибтидоий жамоа.
2. Қадимги дунё.
3. Ўрта асрлар.
4. Янги давр.

Аммо қадимшунослар (археолог ва палеонтологлар) масалага бироз ўзгача қарайдилар. Улар 1) тош асри, 2) бронза асри, 3) темир асри, деб ибтидоий жамоа ва қадимги дунёни уч босқичга бўлиб ўрганадилар.

Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомил ўлкамиз халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ ва ушбу саҳнда юз берувчи ҳодисадир. Фақат маданий тараққиёт ўта мураккаб тарихий ҳодисалар мажмуини ташкил этса, миллатнинг маънавий камолоти бугунги кунгача ўз долзарблигини сақлаб келаётган асосий ўзак унсурларга таянган ҳолда белгиланади.

Шу сабабли маънавиятшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик такомилни бир қатор мавжуд аломатларга кўра дастлабки тарзда уч асосий даврга ажратиб кўздан кечиришни таклиф этади:

1. Исломгача миллий маънавиятимизнинг шаклланиши.
2. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомил.
3. Янги даврда жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз нисбати.

Олимнинг фикрича, бу даврлар ўз ичига олган муддатларига кўра ўзаро асло тенг эмас. Биринчи давр неча минг йилни қамраса, иккинчи давр 8-9 асрни ўз ичига олади, учинчи давр эса бизнинг ўлкамиз - Туркистон учун 5 аср чамаси давом этиб, охириги 200 йили кўпроқ фожиаларга тўлиқ бўлди. Ушбу даврлаштиришнинг асосида кўпроқ ташқи белгилар ётади. Уларнинг энг муҳими манбалар аҳволи билан боғлиқ. Исломгача маънавиятимиз такомил ҳақидаги энг муҳим манбалар ўлкамизнинг бугунги миллий ҳудудларидан ташқарида топилган бўлиб, асл матнларнинг яхлит ва нисбатан мукаммалари

¹⁵Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи.// <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/11manaviyatningrivojlanishtarixipdf.pdf>

“Авесто” китоби ва туркий тошбитиклардир. Иккинчи қисми билвосита маълумотлар бўлиб, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур, қадимги Миср ва Юнон, Ҳинд ва Хитой манбаларида, Эрон шоҳаншоҳларидан қолган тошбитикларда акс этгандир. Учинчи гуруҳ манбалар археологик ёдгорликлар бўлиб, улар бевосита юртимиз худудидан ёки атроф-минтақадан топилган моддий ашёлар ва иншоотлар билан боғлиқ.

Тўртинчи гуруҳ манбалар сўнгги даврларгача оғзаки анъана ҳолида етиб келган халқ адабиёти, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар, хурофий ирим-сиримлар бўлиб, улар юзасидан узил-кесил хулосалар чиқариш, айниқса, мураккабдир. Умуман, бундай турли гуруҳ манбалар ўзаро жиддий қиёсий таҳлилни талаб қилади ва охир-натихада ҳам кўпинча муайян даражада тахминий хулосалар чиқарилади. Исломига маънавият ҳақидаги тасаввурларимиз, шу сабабларга кўра, барибир узил-кесил бўлиши қийин ва қанча қадим замонларга кириб борсак, шу қадар тарихий ҳақиқат ва афсоналар қоришиб, чатишиб кетади. Исломи даври манбалари қадим даврга нисбатан беқиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Исломи даврдан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндошув имкони жиддий тарзда ошади ва миллатнинг маънавий камолот босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик касб этади¹⁶.

Шу соҳанинг таниқли олимларидан яна бири Абдурахим Эркаев ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ҳақида гапиришдан аввал қуйидагиларни дастлабки тартибда қайд этиш лозимлигига урғу беради:

Биринчидан, ўзбек халқи Марказий Осиёда яшаётган бошқа қўшни, қардош халқлар каби, энг аввало, қадимги туркий қабилалар ва халқларнинг ҳамда турли даврларда мазкур минтақада яшаган қадимги ва антик давр уруғ-қабилаларнинг, элатларнинг - турлар, саклар, массагетлар, қанғлар, парфийлар, кушонлар, сўғдлар, эфталийлар, хоразмийлар, хионийлар ва бошқаларнинг ворисидир.

Иккинчидан, ўзбек халқи Марказий Осиёга кейинчалик ҳам муттасил келиб қўшилиб турган кўчманчи уруғ ва қабилаларни ўз этник ва маданий таркибига сингдирган. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, таркиби турли қадимги уруғ-жамоалар, қабилалар, этник гуруҳларни, айрим ҳолларда дини, эътиқоди, келиб чиқиши бир-биридан анча фарқ қиладиган этносларнинг аралашувидан иборат бўлмаса. Ўзбек халқи ҳам бундан истисно эмас. Келиб қўшилган уруғ-қабилалар, этносларнинг тажрибаси, билимлари, маданиятлари миллий маданиятимиз таркибига сингиб, унинг бойишига хизмат қилган.

¹⁶Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи.// <http://kutubxona.ada.uz/kutubxona/11manaviyatningrivojlanishtarixipdf.pdf>

Бундан ташқари, бизнинг она тупроғимиз ўзига кўплаб босқинчиларни жалб қилган. Эронлик аҳмонийлар, сосонийлар, Искандар бошчилигида юнон-македонлар, араблар, Чингизхон, Россия истилолари беиз кетмади. Бири кўпроқ, бири камроқ, аммо ҳаммаси маънавиятимизда сезиларли из қолдирди. Шу боис ўзбек халқи маънавияти генезиси жуда мураккаб ҳодисадир. Унда қадимий туркий ва маҳаллий сўғд-сак-хоразмий қатлам билан бир вақтда бошқа халқлардан қабул қилинган унсурлар маҳаллийлашган, қайта ишланиб ривожлантирилган кўринишларда мавжуд¹⁷.

Олим халқимиз маънавияти тарихий босқичлари ва хусусиятларини ҳар қандай таснифлаш ва даврларга ажратиш нисбийлигини ҳисобга олиб, бошқача вариантлар бўлишини инкор қилмаган ҳолда, ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичларини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганишни таклиф этади:

1. Энг қадимги (архаик) давр ва илк зардуштийлик босқичи.

Бу босқич энг қадимги замонлардан Искандар истилосигача бўлган катта даврни қамраб олади. У турли ибтидоий эътиқодлар, умумтуркий асотирлар ва зардуштийликнинг дастлабки қарашлари асосида ривожланган.

2. Исломгача бўлган диний-мафкуравий плюрализм босқичи. Иккинчи босқич маънавияти Искандар истилосидан то араблар истилосигача бўлган даврни қамраб олади. Бу босқичда маънавиятимиз ранг-баранг эътиқодий асосларда ривожланганининг гувоҳи бўламиз. Анъанавий эътиқодлар, зардуштийлик қаторида юнон политеистик қарашлари, кейинчалик буддавийлик, монийлик, насронийлик каби эътиқодлар ҳудудимизга кириб келди.

Ҳар икки босқич турли қабилалар ва халқларнинг кўчиб юриши, аралашуви, ўзаро тўқнашувлари, урушлари билан ажралиб туради. Лекин бу ҳодисалар халқларнинг бир-биридан ўрганишига, тажриба алмашишига, турли ғояларнинг тарқалишига ҳам хизмат қилган.

3. Ислом тамаддунининг гуллаб-яшнаши ва темурийлар даврида қайта уйғониш босқичи.

4. Анъанавий жамиятнинг қарор топиши ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий таназзул босқичи.

5. Мустамлакачилик даври маънавияти: а) чор Россияси мустамлакачилиги ва б) шўролар даври.

6. Истиқлол даври маънавияти.

¹⁷Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. – Т.: 2019, Маънавият, 360-361- б.

Бу босқичларнинг ҳар бирини ўз навбатида катта-кичик даврчаларга, туркумларга бўлиш мумкин. Олимнинг фикрича, мазкур босқичлар алоҳида ўрганилиши зарур¹⁸.

3. Жамият, миллат манфаатларини акс эттирувчи қарашлар. Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари

Миллий ғояда жамият ва миллат манфаатлари акс этади. Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатларини ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

Миллий ғоя ҳар бир миллат ва у билан ёнма-ён яшаётган барча бошқа этнос вакиллари ҳаётида ҳам нақадар муҳим ўрин тутиши, инсоният тараққиёти босқичларининг яна бир қонунияти десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмади¹⁹.

Ҳар бир миллатнинг миллий ғояси, авваламбор шу миллат аъзоларининг онги ва қалбида, миллатнинг тарихий хотираси орқали авлоддан авлодга ўтиб, янги-янги ғоялар билан бойиб, сайқал топиб боради. Бу ғоялар миллатнинг урф-одатлари, удумлари, тўй-маросимлари, оғзаки ижодиёти, унинг фалсафий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, гўзалликка оид қарашлари ва менталитетида мужассамланиб ўз ифодасини топиб боради.

Миллат ғояси ўз моҳиятига кўра, халқ миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак.

Мамлакатимиз учун миллий ғоя ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит тузилиши мумкин.

Миллий мафкурада халқимизнинг умумий манфаатлари, орзу-умидлари мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадини шундай ифодалаган эди: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро ягона Ватан бахт-саодати учун доимли маъсулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу

¹⁸Қаранг: Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. – Т.: 2019, Маънавият, 376-377- б.

¹⁹Қаранг: Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000. – Б. 6-10.

муқаддас замин учун фидойиликни ҳёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир. Шу билан бирга мен миллий ғоябугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан”²⁰.

Миллий мафкура ўзининг туб моҳиятига кўра Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини мутаҳкамлашни, Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаолвонлигини таъминлашни кўзда тутди. Бундай улуғвор вазифани бажариш ҳар бир фуқародан эркин фикрлаш, Ватан тақдири, истиқболи учун маъсулликни ҳис қилиш талаб этади. Эркинлик бўлмаган жойда маъсулиятсизлик, лоқайдлик вужудга келади. Миллий мустақиллик халқимизга ана шундай эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккурсиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишини ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Истиқлол мафкураси эркин тафаккурга таянади, у демократик жаият ҳаётининг муҳим қонунияти, миллий мафкурани яратиш, ҳимоя қилиш ва такомиллаштиришнинг зарур шартидир. Эркин тафаккур шахс фаоллигини оширади, уни бунёдкорлик ишларига илҳомлаштиради.

Мафкура жамиятимизда илғор ғоялар устуворлик қиладиган соғлом ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам беради. Демократик қадриятларнинг кенг ривожланиши қарашлар хилма-хиллиги ва фикрлар арнг-баранглиги (плюрализм)нинг қарор топишига олиб келади. Кишилар руҳан юксакликка, яна ҳам бахтли ва фаровонроқ ҳаёт кечиришига интиладилар. Бундай ҳаётга эришишнинг турли восита ва йўллари мавжуд бўлиб, у турли ғояларда ўз ифодасини топади. Ғоялар илмий-назарий ёки диний асосга эга бўлади. Демократик жамият ақл ва тафаккур пойдевори устида қад кўтаради, дунёвий илм-фан ва техника жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт тобора интеллектуаллашиб бораётган, илмий тафаккур инсонит маънавиятининг устувор йўналишига айланаётган ҳозирги шароитда кўпроқ илмий-назарий асосга эга бўлган илғор ғоялар устунлик қилади.

Миллий ғоя ўзининг тарихий, дунёвий, фалсафий, диний илдизларига эга.

1.Тарихий:

-Ватанимизнинг бой тарихи

- Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи

²⁰ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мастаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”. 2000 йил, 8 июнь.

-Тафаккури ва дунёқараши

-Халқ оғзаки ижоди намуналари: Шашмақом, Алпомиш -Миллий қаҳрамонларимизнинг ибратли ҳаёти

2.Дунёвий:

-дунёвий билимлар мажмуи

-табиий илмий билимлар

-жамийки билимлар

3.Фалсафий:

-Улуғ алломаларимизнинг фалсафий мероси

-Жаҳон фалсафаси дурдоналари

-XXI аср бошларидаги фалсафа

-Мустақиллик фалсафаси

4.Диний:

-Ислом ва бошқа динлардаги диний бағрикенглик

-Қуръони Карим китоби

-Ҳадислар

-Зардуштийлик

-Тасаввуф

Мафқуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва конун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. ана шундай жамият мафқураси “Дунёвийлик - даҳрийлик эмас” деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ахамиятини асло инкор этмайди.

Ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, илмий дурдоналари миллий ғоямизнинг фалсафий негизларини белгилайди. Юнон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқда ўтган ғоявий устозларини, “Авесто”дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга “фалсафий тафаккур бешиги” деб таъриф берган эди.

Мустақилликдан сўнг олиб борилган илмий тадқиқот ва изланишлар натижаси қадимий маданият илдизлари қадимги юнон цивилизацияси билан тенглаша олишини кўрсатди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Фалес билан бир мақомда турадиган, Салон билан баҳслашган мутафаккир файласуф Анахарсис Марказий Осиёдан етишиб чиққан.

Ҳаттоки Собик Иттифоқ давридаги адабиётларда ҳам куйидаги мулоҳазаларни тан олишга мажбур бўлишган. “Қадимги Грециянинг машҳур мутафаккири Сукрот яқин вақтгача “ахлоқ фалсафасининг отаси” ҳисобланиб келинган эди. Шарқ маданияти билан чуқур танишиш натижасида XX-аср олимлари бу фикрдан қайтишга мажбур бўлиб, этика тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар анча бурун, яъни, бундан 26 аср олдин Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган, деган фикрга келдилар²¹.

Тадқиқотчилар Ўзбекистон заминини ҳамда унинг буюк файласуфлари, уларнинг асарлари (“Авесто”), хусусан, Анаҳарсис назарда тутилган бўлиши керак дейди. Қадимги Юнонистонда “Етти донишманд” деган тушунча мавжуд бўлиб, бунда ўз даврининг етук файласуф олимлари, нотик ва қонуншунослар бу еттиликдан ўрин олган. Бу етти донишманд орасида Фалес, Солон, Сукрот, Пифагор, Анаксагор, ва албатта Анаҳарсис ҳам назарда тутилган. Анаҳарсисни етти донишманддан бири сифатида Аристотел, Диоген, Лаэртский, Платон, Плутархлар ўз асарларида қайд этишган. Демак Анаҳарсисни турли даврларда яшаган бир неча муаллифлар етти донишманднинг бири сифатида санаб ўтишган. Ҳаттоки Анаҳарсис шарафига Афинада ёдгорлик ўрнатилган. Муаллифнинг ёзишича Анаҳарсис, борлик, билиш назарияси масалалари ва ҳақиқат мезонлари тўғрисида, инсон билимининг чексизлиги, нарса ва ҳодисалар моҳияти тўғрисида, ҳар қандай фикрга, ғояга нисбий ҳақиқат тарзида шубҳа билан қараш ҳақида асарлар ёзган. У биринчи бўлиб кема лангарини, кулолчилик чархини кашф қилган, деб эътироф этишади²².

Ҳақиқатдан ҳам Юнонистонда етти донишманддан бири сифатида эътироф этилиши, бу Анаҳарсиснинг энциклопедик билим соҳиби бўлганлигини билдиради.

Анаҳарсис скиф миллатига мансуб бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Амударё ва Сирдарё оралиғида яшаган саклар ёки скифлар авлодига тегишлидир. Анаҳарсисни скиф миллатига тегишли эканлигини Лаэртлик Диоген ўзининг “Машҳур файласуфларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматли сўзлари ҳақида” деган асарида кўрсатиб ўтади. Скифлар ва улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида Ғарбда асарлар битилган. Масалан, Француз файласуф олим Вольтер “Скифлар” трагедиясини ёзган XVI-асрда лотин тилида “Скифлар шоҳи Темурланг” китоби нашр этиралади. Мазкур манбалар бўйича скифлар ёки саклар Мавроуннаҳр ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган, уларнинг бой моддий ва маънавий маданияти ҳамда уларнинг юксак билим ва фалсафаси

²¹Ҳайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 262-бет.

²²Ҳайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 266-бет.

бошқа ғарб мамлакатларининг фани, жумладан фалсафа фани шаклланишига ижобий таъсир қилган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан машхур файласуф Анахарсис Юнонистонда бўлган ва маҳаллий аристократия вакиллари доимо лол қолдирган. Унинг Салон билан савол-жавобларини юнон файласуфи Гермипп қайд қилиб ўтган. Тадқиқотчилар мазкур асос ва далиллардан келиб чиқиб Анахарсисни дастлабки файласуфлардан бири деб, фалсафа фанини ўзбекистонлик Анахарсисдан бошланган деган фикрни илгари суради. Бундай фикрга келиш учун Ш.Хайтов асосан ғарбнинг қадимги давр мутафаккирлари ёзиб қолдирган манбаларга таянади. Масалан, Клавдий Элианнинг “Древные авторы о Средней Азии”, Лаэртлик Диогеннинг “Машхур файласуфларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматли сўзлари ҳақида”, Аристотелнинг “Никомах этикаси”, шунингдек Гермипп, Дамон Кренскийнинг ёзиб қолдирган асарлари шулар жумласидандир.

Анахарсисдек файласуфни Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан бу тасодифий бир ҳодиса эмас, балки бу замин сарҳадида Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк сиймолардан ташқари 100лаб Бухорийлар, 20дан ортиқ Пайкандийлар, 100га яқин Хоразмийлар, 20га яқин Термизийлар, 80га яқин Самарқандийлар, 20дан зиёд Фарғонийлар, 11та Марғинонийлар, 10лаб Тошкандийлар, 10лаб Зоминийлар, Ғиждивонийлар, Нашхибийлар, Насафийлар, Навоийлар, Накшбандийлар, Наршахонийлар каби олим ва файласуфлар самарали ижод этганлар.

IX-XII асрлар давомида Мовароуннаҳр бутун мусулмон оламида илмий-маданий жихатдан энг ривож топган ўлка сифатида машхур бўлиб, бу ерда қадимий анъаналар билан араб, форс, қисман ҳинд ҳамда қадимги юнон илмий-маданий анъаналари қоришуви асосида исломий, фалсафий ва табиий илмлар – астрономия, математика, тиббиёт, кимё, доришунослик, жуғрофия кабилар ривож топди. Бу давр маънавиятининг муҳим томонларидан бири шундаки, олим, донишманд, шоирларнинг кўпчилиги қомусий билимларга эга бўлиб, илмлар бир-биридан ажралмасдан, узвий боғлиқ ҳолда мавжудлиги характерли эди. Шунинг учун ҳам ал-Фаробий, ибн Сино, ал-Беруний, аз-Замахшарий, Исмоил Журжонийлар жуда кўп соҳаларда ижод этиб, ўчмас из қолдирдилар. Шу билан бирга математика, астрономия, тиббиёт, мантик, тилшунослик, тарих каби илмлар, маданият, маънавиятнинг ривожига ниҳоятда муҳим аҳамият касб этгани, ислом динининг назарий масалалари билан бирга ахлоқий томонлари ҳам кенг ривож топганини кўрамиз.

Бу даврда айрим муаллифлар келтирган илмлар таснифида дунёвий(анъанавий) илмлар билан бирга араб(ислом) илмлари ҳам қайд этилади. Биринчисига, юнонлардан ўтган фалсафа, математика, физика ва

бошқа қатор илмлар киритилган бўлса, ислом илмлари сифатида калом, ҳадис, фикҳ каби илмлар санаб ўтилади. Мовароуннаҳр бу даврда дунёвий илмларнигина эмас, балки ислом илмларининг ҳам ривожланиш марказига айланган. Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Мотурудий, Марғиноний, Косоний каби алломалар бу соҳада машҳур бўлдилар.

Диний ва дунёвий илмлар узвий боғлиқ ҳолда ривож топди. IX аср бошлари ва биринчи ярмида араб халифалиги пойтахти Бағдоддаги “Байт ул-Ҳикма” илмий марказининг доврўғини кўтаришда Ўрта Осиёдан борган Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Абу Мансур. Ат-Туркий, Марвазий каби ёш олимларнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги фаол хизматлари улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ҳар қандай мафкура, миллий ғоя тарихий, маданий маънавий мерос, тарихий хотира асосида шакллантирилади ва уларга суянади.

Миллий ғоянинг тарихий илдизларини билиш шунинг учун муҳимки, бу илдизларда аждодларимизнинг буюклигини тасдиқловчи далиллар бор, келажак орзу-умидларини кўрсатувчи маълумотлар етарли, инсонни фаолликка, шу асосда янги жамият қуришга чорловчи даъватлар мавжуд. Миллий ғоянинг маънавий-тарихий илдизларини чуқур англаш инсоннинг амалий ҳаракатига қудратли таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоянинг тарихий- маънавий илдизлари маданий – маънавий меросда, тарихий онг ва тарихий хотирададир. Бу илдизларни билиш, яна бундан ташқари, миллий ғоя куртаклари турли тарихий даврларда пайдо бўла бошлаганини, мазмуни бойиб берганлигини англашга ёрдам беради. Миллий ғоя маънавиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, “албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатининг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”²³. Миллий ғоянинг озиклантирувчи илдизларини билиш ва англаш инсон маънавиятини юксалтиради. Тарихийлик ва мантиқийликни ўзида мужассамлаштирган “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Ислоҳ Каримов томонидан яхлит ҳолда кўрсатилган маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар булар - айна пайтда миллий ғоянинг тарихий ва замонавий илдизлари ҳам ҳисобланади²⁴.

Миллий ғоямизнинг маърифий асослари уч минг йиллий давлатчилигимиз билан бир вақтда шакллана бошлаган. «Авесто»да баён этилган

²³Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008, 29-64-бетлар

²⁴Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 137-бет

маърифатпарварлик ғоялари бунинг исботидир. Ватанимизда милоддан аввалги VIII-VII асрларда бошланғич маданият марказлари вужудга келган, шаҳарлар ташкил топа бошлаган. Шаҳар маданиятининг энг асосий элементи бу маърифат масканлар, таълим тарбиядир. Бу даврда Марказий Осиёда кенг тарқалган Зардуштийлик фақат соф дингина бўлиб қолмасдан, балки ўз даври маънавиятининг, ўша даврдаги халқларнинг маданияти, маънавияти, урф - одати, ахлоқи каби масалаларни ўзида акс эттиради ва маънавий маърифий жараёнларга катта таъсир кўрсатади.

Қадимги давр маданияти, маънавияти, жумладан, ахлоқ, маърифат, таълим тарбия ҳақидаги фикрлар халқ оғзаки адабиётида, фольклорларда, турли халқ анъаналарида ҳам ўз аксини топиб келган. Гўрўғли, Алпомиш, Рустам ҳақидаги дostonларда халқимизнинг урф одатлари, руҳияти, хулқ одобларининг ифодасини учратишимиз мумкин. Бундай маълумотлар қадимги суғд, манихей, хоразм, туркий ёзувлар наъмуналарида сақланиб қолган манбаларда ҳам учрайди²⁵.

VIII-XII асрлар давомида Ватанимиз ҳудудида муҳум ўзгаришлар содир бўлади. Ўлкамизга ислом кириб келади. Бу даврда маънавиятда ҳурфикрлик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устунлик қилади. Таълим тизими такомиллашади, илм даргоҳлари – мадрасалар олий ва ўрта тоифаларга ажралади. Шунингдек айрим мадрасаларда табиий ва аниқ фанларга кўпроқ эътибор берилса (Самарқандда Улуғбек мадрасаси), баъзиларида диний билимлар бериш устун характерга эга бўлган. Таълим тизимининг ҳатто энг олий босқичи, махсус тадқиқотлар лобаторориясига эга бўлган академиялар ҳам фаолият олиб борган. Бағдоддаги Маъмун академияси ва Самарқанддаги Улуғбек академияси бунга мисолдир.

XI-XII асрларга келиб Ватанимиз ҳудудидаги Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Ахсикет, Хива, Шош ва башқа шаҳарларда кўплаб илм маърифат масканлари машҳур бўлган. Бу даврда Мовроуннаҳр ва Хуросонда бутун мусулмон дунёсига қатор қомусий алломаларани, илоҳиёт назариётчиларни, машҳур адиб ва шоирлар етишиб чиқадилар. Улар ўзларининг кашфиётлари яратган асарлари билан дунё илм фани ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Дунё цивилизациясида Шарқ уйғониш даври деб аталадиган бу давр мўғиллар истилоси даврида турғун ҳолатга тушиб қолади, таълим тарбия, илм маърифат соҳида ҳам буҳолат ўз таъсирини кўрсатади.

XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрда Амир Темур ва Темурийлар Шоҳрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро даврларида Мовароуннаҳр ва Хуросон

²⁵Маънавият юлдузлари (Марказий осиелик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001 йил 6-бет.

ислом доирасидаги мафкуравий эркинлик, маданиятга эътибор илм-фан, адабиёт, санъатнинг тез ривож топишига олиб келди. Самарқандда расадхона қурилиб, Улуғбек илмий мактаби шаклланди, аниқ фанлар ривожига катта ютуқлар қўлга киритилди. Қозизода Румий, Коший, Али Кушчи каби олимларнинг асарлари бутун мусулмон оламига машхур бўлди. Гуманитар – ижтимоий фанлар ва рассомлик, хаттотлик олий чўққиларга кўтарилди. Жомий, Беҳзод, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби маиқур адиб, рассом, тарихчиларнинг номлари бошқа ўлкаларда ҳам тез маълум бўлди.

XVI-XIX аср биринчи ярми маданиятида илм-фан, хусусан табиий фанларнинг ўрни сусайганини, диний билимлар, диний таассубликнинг роли кучая борганини кўрамиз. Ўзаро урушлар туфайли ташқи олам билан алоқалар, маънавий-маданий муносабатларнинг камайиб кетиши ҳам маданий ҳаётдаги маълум биқикликка, янгиликлардан узилиб қолишга олиб келди. Илм-фан, маданият соҳасида олдинги эришиган ютуқлар ҳам ўз таъсирини йўқотиб, уларга мурожаат этиш ўрнига диний таълимотлар кучайганини кўрамиз. Натижада бу даврда анъанавий ислом, унинг қоидалари жамият ҳаётида ҳал этувчи ўринни эгаллаб, тасаввуф, хусусан, нақшбандия ҳам маънавий ҳаётдаги олдин таъсирини йўқота борди.

Шу билан бирга бу даврда туркий-ўзбек тилидаги бадиий адабий намуналарининг кўпая борганини, адабиёт, шеърият маънавий ҳаётнинг энг муҳим асосий соҳасига айланиб, анъанавий лирик асарлар билан бирга шоир, адиблар дунёвий ҳаёт қийинчиликлари, диний таассубликнинг кучайишига бўлган норозиликлари, сўфиёна фикрларини шеъри орқали ифода этишга интиланликларини кўрамиз.

Бу давр Махдуми Аъзам, Мирзо Ҳайдар, Абдулғозихон, Бухорий каби гуманитар илм вакиллари, Машраб, Турди, Нодира, Увайсий, Мунис Хоразмий каби машхур шоирларни етиштирдик, улар асарларида замонасининг сабоқлари, истаклари, аламларини акс этдирдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон ўз мустақиллигини йўқотди, рус чоризми томонидан босиб олинди.

Хонликлар ва ерли халқнинг кескин кураши, қаршилигига қарамай 1870-йилларга келиб Қўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива хонликлари Россиянинг вассалига айланди: Туркистонда рус мустамлакачилик тузуми ўрнатилди, у рус генерал губернатори томонидан бошқарила бошланди. Рус чоризми Туркистонда ўз мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш йўлида барча чораларни амалга ошириб, унинг бойликларидан имкони борича кенг фойдаланишга киришди. Жаҳон ва айниқса, Яқин Шарқ мамлакатларидаги ўзгариш ва Россиянинг янги мустамлакасига олиб келаётган Оврупо маданияти

янгиликлари Туркистон маданиятида ерли халқнинг мустамлакачилик сиёсати, камситилишига қарши маърифатчилик ҳаракатини кучайтириб юборди. У асосан, халқни янги маданият, маърифатга чақиришга, миллатни уйғотишга, янгилаётган маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди. Аста-секин маърифатчиликдан жадидчилик ўсиб чиқди ва у маълум даражада сиёсий масалаларни олға сура бошлади. Янги таълим - тарбия, янги мактаб, янги маориф, уни бошқариш, маданий тарғибот, ташкилотчилик масалалари асосий ўринга кўтарилди. Янгиликларга асосланган ҳолда ва эски феодал маорифидан фарқ қилувчи фикр-ғоялар олдинга сурилди улар ерли матбуот, турли китоблар орқали кенг тарғиб этилди. Бу - маданиятдаги мустамлакачиликка қарши курашда халқ онгини ошириш, ўз аҳволини яхшилашга интилишнинг кўринишларидан эди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошида Туркистон маданияти қатор талантли олим, сайёҳ, шоир, педагог, журналистларни етиштириб чиқарди, улар халқимизнинг умумий маданий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Бу даврда Аҳмад Дониш, Бердақ, Феруз, Муқимий, Фурқат, Завқий, Баёний, Аваз Ўтар каби олим, шоирлар ўз даврининг муҳим масалаларини кўтариб чиқдилар ва халқни илм-фан, маърифатни эгаллашга ундадилар.

Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Айний, Ҳамза каби талант эгалари жадидчилик ғояларини олға суриш ва тарғиб қилиш соҳасида байроқдор бўлиб танилдилар, Туркистоннинг ўз ривожланиш йўлини тарғиб этишда жонбозлик кўрсатдилар.

4. Миллий ғоя ва сиёсат. Миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси

Миллий ғоя ва сиёсат ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Давлат арбобларидан бирининг эътироф этишича, Буюк Британия демократик давлат куришда бир неча юз йиллик тажрибага эга. Шундай мислсиз тараққиёт қозонган давлатда ҳам демократия хусусидаги муаммолар кўзғалиб тураркан. Шундан келиб чиқадигай бўлсак, бизнинг демократияни тушуниш ва жамиятимизга тадбиқ этишдаги натижаларимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз мумкин.

Оламшумул тажрибаларга нисбатан олганда, жамоатчилигимизнинг ҳозирги даражасини демократияни ҳис қилиш, демократияни тушуниш, демократияни идрок этиш, демократияни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этишга интилиш босқичи дея белгилаш мумкин. Хўш, демократиянинг ўзи нима? Уни амалга оширишнинг қандан усуллари ва белгилари мавжуд?

Демократия – юнонча “демос” - халқ, тенг ҳуқуқли фуқаролар йиғини, “кратос” - куч, ҳокимият, қудрат, бошқарув маъноларини бериб, бугунги кунда

у халқ ҳокимияти маъносини беради. Янги даврда демократия атамаси орқали эркинлик, фуқаролик, халқ суверенитети, миллий суверенитет, миллий давлат ғоялари ривож топмоқда. Демократия тушунчасининг реал мазмуни у ёки бу даврда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий тузумга қараб турли тарихий даврларда ўзгариб турди. Сиёсатшунослар демократиянинг учта асосий моделини (либерал, идентитар, плюралистик) кўрсатадилар.

1) Либерал демократия (XIX-XX аср боши) ҳокимият манбаи бўлган халққа мулкдор эркакларни, мулкӣ ва бошқа цензли кишиларни киритади. Қуйи қатламлар, ёлланма ишчилар, аёллар сайлов ҳуқуқига эга эмаслигига асосланади.

2) Идентитар (жамоавий) демократия – халқ (миллат, гуруҳ, қатлам) бирлигидан, яхлитлигидан, халқ иродаси билан ваколатли ҳокимият фаолиятининг ўхшашлигидан келиб чиқади.

3) Плюралистик демократия – либерал сиёсий тизимдан ўсиб чиққан ва унинг асосий ташкилий тамойилларини мерос қилиб ўзига олган. У конституционализм, ҳокимиятлар бўлиниши, шахс эркинликлари, инсон ҳуқуқлари, озчилик мухторияти ва бошқа қадриятларга таянади.

Демократия ўз тарихида хилма-хил шакл ва мазмундаги узоқ йўлни босиб ўтди. Демократия ҳар бир халқнинг миллий онгини, хусусиятларини, миллий руҳини, менталитетини, табиатини ҳисобга олган ҳолда унинг сиёсий тизимида ўз аксини топади.

Ғарб мамлакатларида вужудга келган демократия индивидларнинг (шахс) гуруҳдан (кўпчиликдан) устунлиги ғояси мавжуд. Бу мамлакатларда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи долзарб. Демократия Шарқда бошқача мазмун касб этади. Шарқда индивид эркинлиги ва ҳуқуқларга таянилсада, у кўпроқ гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари билан уйғунлашади, яъни анъана ва замонавийликнинг ўзига хос уйғунлигига асосланади.

Шу йўлдан қатор Шарқ мамлакатлари бормоқда. Ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларнинг ижобий тажрибалари мавжуд. Маълумки, Қадимги Туркистонда ҳукмдорлар, ҳатто Амир Темур буюк сиёсатчи сифатида халқнинг (раият) фикрини билиш, табақалар билан бамаслаҳат иш юритиш, мурсаю-мадора, мурувват, бағрикенглик ва сабр-тоқатлилик билан давлатни идора қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам демократияга ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Миллий анъаналарни, миллий давлатчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Кенгаш, маслаҳат, мурса, сабр-тоқатлилик, бағрикенглик мамлакатда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг

ва демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Авраам Линкольн таъкидлаганидек, демократия халқ орқали, халқ учун ўрнатилган халқ ҳокимиятидир. Демократиянинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Халқ ҳокимиятчилиги” боби, 7- моддасида: “Халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир” - дея мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ ҳокимиятчилигига бағишланган ушбу модда мазмуни Республикамизда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлигидаи далолат беради.

Жаҳон жамиятшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни икки усулда амалга оширади.

1.Бевосита демократия. Бунда халқнинг ҳеч қандай вакилларсиз, ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи амалга ошириши тушунилади. Ушбу усулдаги демократиянинг ҳуқуқий асоси Конституциянинг 9-моддасида

мустаҳкамланган: “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади”. Асосий қонун ушбу моддасининг ҳаётий ижроси қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда. Давлат қабул қилаётган қонун лойиҳалар, умумхалқ муҳокамасидан ўтказкилмоқда. Сайловчилар сайловларда бевосита ўзи иштирок этади. Республика Президенти вакиллик органларининг энг қуйидан энг юқоригача бўлган босқичлари депутатларни сайловчиларнинг ўзлари бевосита сайлайдилар. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла кўмиталари фаолиятини ҳам бевосита демократиянинг яққол мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

2.Демократиянинг амалга оширишнинг иккинчи усули вакиллик демократияси. Бунда халқ ўз ҳокимиятини билвосита амалга оширади. Яъни халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали - Олий Мажлис, маҳаллий кенгаш депутатлари воситасида амалга оширади. Мазкур депутатлар ўз ваколатларини сайловчилардан олганлар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этади.

Ўзбекистонда Давлат ва ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлмиш Республика Президенти ҳам бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Мамлакатимиздаги бошқа давлат органлари жумладан, ҳукумат, суд органлари, вазирлар ва бошқалар Республика Президенти ёки Олий Мажлис томонидан тайинланиши ёки сайланиш тартибини инобатга олсак, ўзбек халқи барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни сайлаш тайинлашда бевосита ёки билвосита иштирок этади.

Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқшунослари давлат ва жамият арбоблари фикрларига кўра демократик ҳуқуқий давлат куриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлари мавжуддир. Улар қўйидагилардир: 1. Сайловлар. 2. Сайлов яқунларини аниқлаш усули. 3. Тенг ҳуқуқлик. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Кўппартиявийлик. Бизнинг Республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар конунда ҳам, амалга ҳам мавжуддир.

Соҳанинг етакчи олимларидан бири А.Эркаевнинг фикрича, миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборада мужассам ифодаловчи тушунчалар ёки шиор, иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча саъй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чуқур ислоҳ қилади. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин. Лекин ифода шаклидан қатъи назар, халққа истиқболни, ижтимоий мўлжални кўрсатиши шарт.

Истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилганди. Кейинчалик миллий ғоя шаклан такомиллаштирилганда “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташкилотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, бирдек азиз Ватанга ҳамда шахс ва жамият ҳеч қачон бефарқ бўлмайдиган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунчавий ифодаси анча мукамаллик касб этди.

Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айниқса, у ислоҳотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафкуравий чақирик, куруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошлади.

Катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий

ҳаётимизга реал таъсир кўрсатаётирми, деган саволга аниқ жавоб бериш анча мушкул. Миллий ғояни жонлантириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Фақат Учинчи Ренессанс амалга ошириб, биз озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Ёки, яна қулайроғи, Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ.

Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафкуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўринишларига чалғимаслиги керак. Тарих сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оққан дарёси яна оқишини астойдил истайди²⁶.

Аслини олганда, учинчи ренессанс яратувчилар ҳам, миллий ғоя ва маънавиятни ривожлантирувчи куч ҳам – ёшлар. Шу сабабли ҳам миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси тушунчалари бирга ифода этилади ва бир-бирини тўлдиради.

Ёшлар тарбияси мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида шундай деди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахбороткоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу

²⁶ Эркаев А. Учинчи Ренессанс – миллий ғоя сифатида. //Халқ сўзи, 2020 йил, 8-сентябрь.

соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак”²⁷.

Глобаллашув шароитида инсон, айниқса, ёшлар қалби ва онги учун кураш борган сайин шиддатли тус олиб, дунёнинг мафкуравий манзараси тубдан ўзгариб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари: “Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми? Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қорақўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди? Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади”²⁸, дея таъкидлаганлари ҳар бир касб эгасига долзарб вазифа бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарорида қайд қилинганидек, “...жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жинойтчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавий соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиш мақсадида комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш...”²⁹ вазифаси ушбу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди. Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу борада мамлакатда кенг фаолият олиб бораётган Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятининг асосий

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидги нутқи.// Халқ сўзи, 2017 йил, 21 сентябрь.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи.// Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь.

²⁹ Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78

мақсади – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш беришдан иборат³⁰, деб белгиланган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қиладиган ислохотларнинг натижасидир.

5. Мамлакатимизда миллий ғоя таълимнинг жорий этилиши.

Мамлакатимизда миллий ғоя таълими мустақиллик йилларида шаклланди. Бу таълимнинг жорий этилиши ҳар биримизга яшашимиздан мақсад нима эканлигини, инсонлик ва инсонийликнинг моҳиятини, мустақилликнинг ҳеч бир тушунча билан алмаштириб бўлмас буюк қадрият эканлигини англашимизга; Ватан нима, киндик қонимиз томган тупроқ нима, оила, маҳалла қандай тушунчалар, ҳаётимизда уларнинг қандай ўрни бор, озодлик нима, ўзгаларга қарам бўлиш нима - буларнинг барчаси ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришимизга, мушоҳада юритишимизга имкон яратади, кўмак беради.

Айнан мана шу мақсадда дастлаб миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар, сўнг уларни умумлаштирган “Тарбия” фани юзага келди.

Дастлаб, 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди.

Ушбу Фармойишда “2001 йилнинг 25 февралига қадар олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, Давлат матбуот кўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилсинлар”³¹ дейилади.

Сўнг 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Аслида бу фанларнинг юзага келиши янги аср бошидаги зарурат эди. Чунки, миллий ғоя жамиятимиз тараққиётининг ғоявий тамойилларини ўзида ифода этади, бу ғоя мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган ғоя тўғрисидаги яхлит, изчил таълимдир. Бу таълим ўз тушунча ва тамойилларига, тарихий негизларига, илмий, фалсафий, дунёвий ва диний,

³⁰Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазифалари.//<https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar>

³¹“Ma’rifat” gazetasi, 2001 yil, 20 yanvar’.

миллий ҳамда умумбашарий илдизларига эга муайян тарихий зарурият мужассам бўлган назариядир.

Миллий ғоя таълими ривожда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг алоҳида ўрни бор.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йилнинг 12 августида қабул қилинган, Олий Мажлис Сенати томонидан 2016 йилнинг 24 августида мақулланган ва 2016 йилнинг 15 сентябрдан қонуний кучга курган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади ёшларга оид давлат сиёсати муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлиб, янги таҳрирдаги қонун 4 боб, 33та моддадан ташкил топ ган. Қонунда ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсади ва тамойиллари, ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси, таълим олиш ҳуқуқлари, иқтидорли ёшларга нисбатан давлат кўмагини амалга ошириш каби долзарб масалалар қамраб олинган.

Қонунда белгиланган тамойиллардан бири очиқлик ва шаффофлик, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштироки, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънавий, ахлоқий ва маданий кадриятлар устуворлиги, ёшларнинг камситилишига йўл қўймаслик ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида белгиланган.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари алоҳида моддада белгилаб қўйилган бўлиб, унда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний-ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш ўз ифодасини топ ган.

Бундан ташқари қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – келажагимиз эгаларини ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга қилиб уларни тарбиялаш, терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш каби меъёрлар ўз аксини топган.

Қонунда қуйидаги тушунчаларга изоҳ бериб кетилган, ёшлар –ёш фуқаролар 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар, ёш оила-эрхотиннинг иккиси ҳам 30 ёшдан ошмаган оила.

Қонунга мувофиқ олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган, таълим муассасасини битиргандан сўнг олган

ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган, ишлаётганлигига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходимлар ёш мутахассис ҳисобланишади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти-ёш тадбиркорлар деб айтилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак... Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 -сонли қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларни кенг жамоатчиликка самарали етказишда, оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда муҳим тurtки бўлди. Ушбу қарор асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази қайта ташкил этилди. Ушбу қарорда белгиланганидек, Республика Маънавият ва маърифат кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президентининг раислик қилиши маънавият ва маърифат бугунги кунда жамият ривожланишида ўта муҳим масалалардан бири эканининг тасдиғидир.

Жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учраётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарорининг қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Қарорнинг асосий мақсади маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий

иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш ҳисобланади.

Қарор билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди.

Шунга кўра, Кенгаш қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиши лозим.

Бундан ташқари Кенгаш қуйидагилар учун масъул ҳисобланади:

аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, “маҳалла–туман–вилоят–республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш;

аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш.

Қарор билан Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида республика бўйлаб “Маънавият фестивали” ва “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” танлови ўтказилмоқда.

Эндиликда ҳар йили “Бу йилда ўқиш зарур бўлган 100 та китоб” рўйхати тузилмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳамда Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимлар Марказ ҳузуридаги “Маънавий тарғиботчиси” таълим муассасасида ўқитилмоқда.

Қарор билан “Маънавий фидойиси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Марказ Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган органлар рўйхатига киритилди.

Эндиликда таълимнинг бошқа бўғинлари қатори олий таълим тизимда ҳам маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ана шу меъёрий ҳуқуқий ҳужатлар асосида ташкил этилиши мақсад мувофиқ.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар қуйидаги асосий йўналишлардаги олиб борилиши зарур:

- талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий фуқаролари этиб шакллантириш;
- Ватан олдидаги фуқаролик ва фарзандлик вазифаларини сидқидилдан бажаришга тайёрлаш;
- талабаларда касб хунарни мукамал эгаллаш масъулиятни ошириш;
- талабанинг шахс сифатидаги, ўзига хос индивидуал фазилатларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- талабаларни ижтимоий фаоллик, ташабускорлик, ўқишга ва касбга бўлган ҳурмат ва ижтимоий масъуллик ҳиссини кенг тарғиб қилиш;
- талабалар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш, уларда танқидий ва тахлилий фикрлаш кўникмаларни кенгайтириш;
- талаба ёшларга салбий иллатлар: адолатсизлик, таъмагирлик, маҳаллийчиликнинг салбий оқибатларини англаштириш;
- талаба ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қизиқишлари асосида илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш;
- манзиллашган маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириб бориш.

Назорат саволлари

1. “Олий таълимда миллий ғоя ва маънавий асослари фанларини ўқитишнинг назарий асослари” модулининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

2. Бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда қандай энг муҳим талаблар қўйилмоқда?
3. Миллий ғоя тушунчасига таъриф беринг ва изоҳланг...
4. Ўзликни англаш тушунчасига қандай таърифлар берилган ва нима учун “ўзликни англаш” – маънавиятнинг энг устувор категорияларидан бири ҳисобланади?
5. Инсоният тарихий такомилли ҳозирги Европа илмида нечта асосий даврга ажратилади?
6. Маънавият соҳасининг таниқли олимларидан бири Абдураҳим Эркаев ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичларини неча даврга бўлиб ўрганишни таклиф этади?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи.// Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидги нутқи.// Халқ сўзи, 2017 йил, 21 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мастаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”. 2000 йил, 8 июнь.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: ЎФМЖ, 2004.
11. Хўжамуродов И.Р. Истиқлол ва ўзликни англаш. – Миллий истиқлол мафкураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. С., 1995.
12. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

13. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.
14. Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. – Т.: Маънавият, 2001.
15. “Ma’rifat” gazetasi, 2001 yil, 20 yanvar.
16. Маънавият юлдузлари (Марказий осиелик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
17. Алимова М., Тюменова М., Ҳасанов Ж. Миллий ўзликни англаш жараёнида ижтимоий фаоллик – “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи”. – Гулистон, 2006.
18. Кўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009.
19. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010.
21. Ҳайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
22. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
23. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.
24. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. – Т.: Маънавият, 2019.
25. Эркаев А. Учинчи Ренессанс – миллий ғоя сифатида. //Халқ сўзи, 2020 йил, 8-сентябрь.

Электрон таълим ресурслари

1. Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи.// <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/11manaviyatningrivojlanishtarixipdf.pdf>
2. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазифалари. // <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar>

2-мавзу: “ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”

Режа:

1. Миллий ғоя – миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омил.
2. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни ривожлантириш долзарб масалага айланиши.
3. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши.
4. Миллий юксалиш тушунчасининг мазмун моҳияти.
5. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси. Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари.

Таянч тушунчалар: Миллий ғоя, шахс, фуқаро, миллий ғурур, ифтихор, ор-номус, стратегия, Ҳаракатлар стратегияси, концепция, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси, миллий юксалиш, миллий юксалиш ғояси, миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари, миллий тикланиш.

1. Миллий ғоя – миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омил

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Иккинчи жаҳон уриши даврида фашистлар босиб олган Францияда “қаршилик кўрсатиш” миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримиз далили бўлади. Мамлакатимиз учун миллий ғоя ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало, мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади. Мамлакатимиз учун миллий ғоя ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит туғилиши мумкин. Шундай экан, миллат, жамиятни пароканда бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар ўз аҳамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғов пайдо бўлади.

Мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкура³².

Ўз миллий ғоясини, ўзлигини англаган ва уни ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган миллат озод ва обод Ватанда яшаши, акс ҳолда эса, у вақт ўтиши билан миллат сифатида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Хусусан, донишманд халқимизнинг миллий ғоялари минглаб у яратган дostonларда, мақол ва маталларда, ривоят ва эртақларда, «Авесто» ва бошқа қадимий ёзма ёдгорликларда, буюк аждодларимизнинг асарларида, соҳибқирон Амир Темур ўғитларида, улуғ мутафаккир бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шеърлари ва бошқа машҳур фозилу-фузалоларимизнинг қарашларида учрайди. Масалан, «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», «Қора кўнгил - яра кўнгил», «Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқар», «Қарға бўлма - қайриласан, иссиқ жойдан айриласан», «Яхшилик тўрға элтар, ёмонлик - гўрға», «Эсинг борида этагингни ёп», «Она юртинг - олтин бешигинг» ва бошқа кўплаб халқ мақоллари миллий ғоямизнинг айрим кўринишларидир.

У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳодагина у миллатнинг қисқа ёки узок вақтда эришиши лозим бўлган мақсад – муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин. Том маънода миллий ғоя охир оқибат озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай миллий ғояда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятни бўлган ғоялар ҳам бор. Айтайлик, “Миллий яраш” ғояси фуқаролар уруш кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, “Манфаатли ҳамкорлик” ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввал мафкура масаласини, унинг ўзларини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади.

Ҳар қандай мафкура муайян мақсадларга хизмат қилади, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Маълумки, мафкуранинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда намаён бўлади:

- одамларни муайян ғояга ишонтириш;
- шу ғояни атрофида уюштириш;

³²Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000,463-б.

- кишиларни маънавий – рухий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Қадимги хоқонлардан бирининг юртига қўшни подшодан элчи келибди. У шундай дебди: “шоҳимизнинг амри шуки, агар хоқон ўзининг энг севимли тулпорини бизга инъом қилмаса, юртингизга уруш эълон қиламиз”. Элчининг бу гапларини вазир хоқонга етказибди. Хоқон, майли юртимнинг тинчлиги учун севимли тулпоримдан воз кеча қолай, деб тулпорни бериб юборинглар, дея буйруқ қилибди. Шу тариқа юртининг тинчлиги ва осойишталиги бир оз вақт сақланиб қолибди. Бир мунча вақтдан сўнг ўша подшодан яна элчи келибди ва бу сафар хоқоннинг севимли канизагини талаб қилибди. Хоқон юрт тинчлиги йўлида канизагини ҳам ҳадя қилиб юборибди. Учинчи сафар яна элчи келибди. Унинг муддаосини вазир хоқонга шундай баён қилибди: “Шоҳим, юртимизнинг қаровсиз бурчагида озгина тошлоқ жой бор эди, бу сафар қўшни подшо ўша ерни беришимизни талаб қилмоқда. Келинг, шу ташландиқ жойни бериб юборайлик, шу билан халқимизнинг тинчлигини сақлаб қоламиз.” Бу гапни эшитган хоқон: “Йўқ!” – дебди кескин: “Энди уруш қилмасак бўлмайди. Тулпор ва канизак шахсан менга тегишли эди, шу сабабли уларни осонликча бериб юбордим. Аммо Ватанимиз сарҳадларининг ҳар бир қаричида шу чокқача ўтган ота-боболаримизнинг, биз билан ҳозир яшаётган ватандошларимизнинг ва келгусида туғилажак фарзандларимиз, неварачевараларимизнинг ҳаққи бор. Уларнинг ҳаққини ўзгага бериб юборишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини сақлаб қолиш учун энди урушга боришимизга тўғри келади. Халқни сафарбарликка отлантур!”. Кўриниб турибдики ҳар бир қарични эъзозлаш фалсафасининг илдиизи мужассамдир.

Миллий мафкура жамиятдаги барча социал қатламлар ва гуруҳларнинг умумий ҳаракат дастури, уларни фаолликка даъват этувчи восита ҳисобланади. Мафкуравий мақсад – ғоявий фаолиятни амалга оширишдан қутиладиган идеал натижасидир. Мақсадни аниқ-равшан идрок этиш инсон ва жамият фаолиятига изчиллик, собитқадамлик ва фаоллик бағишлайди.

Миллий мафкуранинг олий мақсади – Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этишдир.

Ҳозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, фикри тиник, мафкураси ҳаётий бўлса – ўша ғалаба қозонади. Бу – инсониятнинг XX аср тарихидан келиб

чиқадиган муҳим хулосалардан биридир. Миллий истиқлол мафкураси халқнинг туб манфаатлари ва мақсадларини ўзида ифода этади, жамият аъзоларини шу мақсад атрофида жипслаштиради.

Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари: мамлакат мустақиллиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, мамлакат аҳолиси ва ҳар бир оила, маҳалла-кўйнинг фароовлигини таъминлашдан иборатдир.

Миллий ғоя билан боғлиқ тушунчаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у, асосан, Ўзбекистон халқи ижтимоий, ҳаёт соҳалари ривожини билан, унинг миллий-маданий мероси, урф-одатлари, қадриятлари, тили, маданияти, тарихи, фалсафаси, диний руҳияти билан узвий боғлиқ. Миллий ғоя миллийликни, миллий ривожланиш хусусиятларини эътироф этади ва унга ҳурмат билан қарайди. Миллий ғоя “синфийлик”, “партиявийлик” тамойилларига асосланмайди. Бошқа мамлакат халқларининг ҳаётига ўз ғояларини сингдиришни даъво қилмайди.

Миллий ғоя Ўзбекистон Республикаси номини олган ўзбек халқи, миллатининг миллий-маданий меросига таянган ҳолда бошқа халқлар маданияти, мақсад ва интилишлари билан ўзаро муштарак тарзда мамлакат равақининг маънавий-руҳий, фалсафий омили сифатида хизмат қилади.

Миллий ғояни ўрганишни тақозо этадиган умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Умумий қонуниятлар турли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал қиладиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкуралар (ғоялар) нинг бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги қонунидир. Жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди. Демак, биринчидан, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки ғоявий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона ғоя асосида бўлган мафкуралар таъсири учун шароит мавжуд бўлади. Буни исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас⁷. У жамият олдидаги мақсадлар, уни амалга ошириш воситаларидир.

Миллий ғоянинг тушунчалари билан бир қаторда унинг намоён бўлиш қонунлари ҳам мавжуд. Булар:

- турли халқлар, турли жамиятлар мавжуд. Уларнинг мақсадлари ҳам, ривожланиш йўллари ҳам турли хил. Яъни ривожланишнинг, ижтимоий тараққиётнинг хилма-хиллиги қонуни орқали намоён бўлади;

- дунёнинг мафкуравий манзараси турли хил мақсадлар, турли-хил манфаатлар, қарашлар билан боғлиқ ҳолда намо-

ён бўлган ва бўлиб қолмоқда. Бу эзгу ғоялар билан бирга ёвуз ғояларнинг ҳам яшовчанлигини, «дунёда мафкура соҳасида курашлар» давом этиб келаётганлигининг асосида ётган ўзига хос жиҳатидир.

Лекин, ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавий руҳияти, мероси, кадриятлари билан боғлиқ ғояси ҳам мавжуд. Уни инкор этиб бўлмайди. Уни англамаслик у билан боғлиқ бўлган турмуш тарзини, маданиятидаги хусусиятларини, тарихини, тилини, миллий-маданий ривожланиш қонуниятларини эътироф этмасликка олиб келади. Бу охир-оқибатда шу халқни ёки мамлакатнинг «ўзлигини» тан олмасликка сабаб бўладиган йўлдир.

▪ Глобаллашув жараёнининг миллий ғояга таъсир этиши ҳам ўзига хос умумий қонуниятдир. Бу жараён турли мамлакатлар, халқлар ҳаётида уларнинг бир-бирига боғлиқлигини, ўзаро таъсирини оширади, маънавий, ғоявий ҳаётида акс этмасдан қолмайди.

Миллий ғоя тўғрисида фикр юритганда, унинг ўзбек халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, миллий-маданий мероси ва кадриятлари билан боғлиқ бўлган ҳамда миллий ғоясида акс этадиган ўзига хос қонуниятлари ҳам мавжуд. Бу қонуният миллий истиқлол ғоясининг мазмуни, мақсади ва хусусияти нуқтаи назаридан караганда алоҳида, устувор аҳамиятга эга. Чунки, бу қонуниятни ҳисобга олиш ўзбек халқининг, миллатнинг келажаги билан ўзлигини сақлаб қолиш ҳамда ўз негизида ривожланишини, дунёда ўзига хос ўринга эга бўлишни эътироф этиш билан боғлиқ. Тарихий жиҳатдан ёндашганда, бу соҳада «турли ғоялар», «мафкуралар» ана шу муҳим қонуниятларга зид бўлган ҳолатларни ҳам кузатилишини кўрсатади. Ўзбек халқини тилидан, маданиятидан, тарихидан ажратиб қўйишга бўлган уринишлар бунга мисолдир. Чунки ёт ва бегона ғоялар халқнинг турмуш тарзи, миллий-маданий кадриятларидан ажратиб қўйиш орқали уни заифлаштиришга ва ўз иродасига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Ёт ва бегона ғоялар баъзи халқларнинг миллат сифатида ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказган. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясига таяниш ва унга амал қилиш Ўзбекистон халқининг ўзлигини сақлаб қолиш ва ўзига хос ва мос ривожланиш эҳтиёжи сифатида намоён бўлади. Демак, миллий ғоянинг қонуниятлари ҳар бир халқ учун миллий ўзига хослигини замон ютуқлари билан боғлашнинг нафақат кафолати, балки ривожланиш стратегияси ҳамдир.

2. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни ривожлантириш долзарб масалага айланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш юзасидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7- февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига асосан тасдиқланди. Стратегия ва тактика – (грекча “қўшинни олиб бораман” ва грекча “тартибга солмоқ”) сиёсий ҳаёт, сиёсий жараён ва сиёсий курашда сиёсий партиялар, бошқа кучлар, ҳаракатлар, ташкилотлар иштирок этишининг назарияси ва амалиёти. Стратег (грекча) – қўшин бошлиғи, олий бош қўмондон ёки давлат сиёсатини олий даражада олиб борувчи сиёсий раҳбар.

Фармон 10 банддан иборат. Унинг биринчи бандида қуйидаги беш устувор йўналишдаги вазифалар белгилаб берилган. Айти пайтда бу вазифаларнинг мамлакатимизда миллий ғояни ривожлантириш вазифалари билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш мумкин:

► давлат ва жамият қурилиши такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

► қонун усуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

► иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодий давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш; Либерализм – (бу атама лотинча “либералис” сўздан олинган бўлиб, “эркинлик” деган маънони англатади) мафкура, ижтимоийсиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлақлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Миль, А.Смит, Г.Спенсер). Либерализм – ҳозирги даврда энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимлардан биридир. Либерализм XVII-XVIII асрда маърифатпарварлик давр ғоялари негизида тарих саҳнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Миль асарларида асослаб берилди. Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади.

► -ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотинқизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат 47 сиёсатини такомиллаштириш;

► хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил

қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Шу ўринда “Ҳаракатлар стратегияси” дастури белгисидаги ранглар миллий ғоянинг устувор тамойиллари билан ниҳоятда уйғун эканлигини таъкидлаш зарур:

Мовий ҳаворанг – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлатининг байроғининг ранги.

Сиёҳранг – қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва орномуслилик рамзи.

Тилларанг – иқтисодий ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи.

Қизил ранг – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи.

Оқ ранг – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи.

Яна шунингдек, ҳаракатлар стратегиясида миллий ғоянинг қуйидаги миллий ва умуминсоний негизлари ҳам ўз ифодасини топган:

Ватанпарварлик - барча замонларда айнан истиқлол ва мустақиллик даврида кенг ҳамкорлик маъносини касб этади. Гарчи ватанпарварлик ахлоқий категория бўлса-да, барча мафкура, ғоя тур ва тизимларида фаол қатнашади.

Инсонпарварлик - оламдаги жамики нарсалар инсон ва унинг бахт саодати учун яратилган. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”. Шу маънода гуманизм, инсонпарварлик мафкурани асосий негизларидан бирини ташкил этади.

Демократия - (халқ ҳокимияти) бу кўпчиликни ҳокимият бошқарувида ўз вакиллари билан қатнашувидир. Байналмилаллик - (арабча миллатлараро) жаҳондаги барча миллат ва элатларининг тенглик, ҳамжиҳатлик назарияси ва амалиёти.

Тараққиёт – равнақ, давлат ёки жамиятни иқтисодий сиёсий ва маънавий соҳада ўсиши, такомиллашуви.

Тинчлик - жамият ижтимоий қатламларини ва турли давлатларни ўзаро келишиб, ички ишларига аралашмасдан фаолият юритиши.

Ҳамкорлик – давлат муассасалари ва инсонлар, давлатларни ўзаро тараққиёт учун олиб борадиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий алоқалари.

Яратувчанлик – меҳнатсеварлик – инсон бор экан у яратувчилик билан машғул бўлади, меҳнат қилади. Меҳнат объектив оламни инсонлар томонидан мақсадли ўзлаштиришга қаратилган фаолият туридир.

Маърифатпарварлик – кишиларни билимга чорлаш, билимдон, зиёлиларни кадрлаш жараёни.

Эркинлик – кишиларни бутун имкониятларини рўёбга чиқариши учун лозим бўлган, яратилган муҳит.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар миллий ва умуминсоний негизига асосланган бўлиб, уларда миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан муштаракликни кузатиш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини оширишга доир устувор вазифалар кўзда тутилгани фуқаролар манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тарихий ҳужжат орқали давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлиги замонавий шаклларини, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим чоратадбирлар рўёбга чиқарилишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Булар пировардида давлат идоралари ҳамда халқимиз ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади ва юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратилишини кафолатлайди ҳамда ушбу устувор йўналишда белгиланган вазифаларнинг миллий ғоянинг эл юрт манфаатларининг ҳамма нарсадан устуворлиги тамойили билан уйғунлигини амалда исботлайди.

Маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ҳамда уларнинг девонини мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрилади.

Бундан ташқари, процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилганки, бу сансалорликларга ҳамда ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига барҳам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Қолаверса, 2018 - 2021 йилларда жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепсияси ишлаб чиқилади.

Бу саъй-ҳаракатлар судларнинг чинакамига мустақиллигини таъминлаш, умуман, ҳуқуқ-тартибот органларини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқ ва

манфаатларини кафолатлаш имконини беради. Ўз ўрнида мазкур устувор йўналишда кўзда тутилган мақсадлар миллий ғоянинг қонун устуворлигини таъминлаш тамойилидан кўзда тутиладиган мақсадлар билан нақадар муштараклигини кўриш мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Чунончи, иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизатсия ва диверсификатсия қилиш, молия-банк соҳасини тубдан ислоҳ этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга эътибор қаратилгани диққатга молик.

Бутун халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланиб бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар, шубҳасиз, оилалар фаровонлигини таъминлаш билан бирга, юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ҳамда механизмларини жорий қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар акс этгани муҳим жиҳатлардан бири бўлиб, унинг ижросини таъминлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Албатта, бунда ижтимоий шериклик муносабатларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Булар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш орқали миллий ғоянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган халқ фаровонлигини амалда таъминлаш имконини беради ҳамда халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли умр кечириши учун мустаҳкам замин яратади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид чора-тадбирлар аҳоли бандлигини кафолатлаш,

фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолининг муҳтож қатламига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини оширишда муҳим ўрин тутади.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли, айниқса, аёллар, ёшлар бандлигини таъминлаш, шу мақсадда тадбиркорлик, оилавий бизнес ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш, аёллар ва қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ҳамда спортни оммалаштириш, шунингдек, кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб чора-тадбирлар ҳам қамраб олинган. Ўз навбатида, биз, халқ вакиллари Стратегияда кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни аҳоли кенг қатламига етказишимиз, унинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришимиз зарур.

Зеро, ушбу вазифаларнинг изчил ижроси мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияси, энг муҳими миллий ғоямизда илгари сурилган “Инсон манфаатлари барча нарсадан устун” деган ҳаётий тамойилнинг рўёбини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги қадимдан яшаб келаётган табиий ҳудуд, иқлим, ўзига хос хилма-хил табиат билан узвий боғлиқ. Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган Ўзбекистон табиати ўтроқ яшашга ҳар томонлама қулай ва йилнинг тўрт фасли ўзлигини тўлиқ намоён этади. Шу ҳудуд табиатига хос кенглик – одамлардаги хушфеълликни, ранг-баранглик – дунёқарашидаги мулоҳазалиликни, саховатли она замин – саховатпешаликни, шалдиरोқ сувлари – софдилликни, пурвиқор тоғлари – олийҳимматлилик каби энг муҳим инсоний фазилатларни шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган. Ўзбекистон тупроғининг буюк мўъжизаси шундаки, унда дунёнинг исталган қитъасидан бир уруғ ёки кўчат олиб келиб эксангиз бехато унади, яхши ҳосил беради. Балки, она табиатимизнинг мана шу имкониятлари мамлакатимизни кўп миллатли давлатга айлантирган ва халқимиз руҳиятида бағрикенгликни шакллантирган бўлса ажаб эмас.

3. “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши

Концепция сўзи латинча *conceptio* сўзидан олинган бўлиб, мажмуа, тизим маъноларини англатади. Шунингдек, концепцияда дейилганда бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар ҳам тушунилади.

Кейинги мамлакатимизда муайян соҳанинг комплекс ривожини назарда тутувчи концепциялар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси” шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда миллий ғояни ривожлантириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини янада яхшилаш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465 –сон Фармойиши эълон қилинди.

Мазкур фармойишдан сўнг “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали”га жойлаштирилди.

Концепция лойиҳаси муқаддима ҳамда “Миллий ғоя ҳақида умумий тушунча”, “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи”, “Ўзбекистоннинг миллий ғояси”, “Бош ғоя”, “Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари”, “Миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари” деб номланган 6 та бўлимдан иборат.

Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларда халқимизнинг бутун орзу-истаклари, интилишлари ўзининг ифодасини топган. Хусусан, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар ўртасида “Ягона Ватан туйғуси”ни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барча жабҳаларида адолат – қонун устуворлигини таъминлаш, халқ розилигига эришиш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда илм-фан, таълим-тарбияга катта эътибор қаратиш, иқтисодиётга инновацион ёндашувни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилган.

Бу борада ишлар самарасини ошириш учун олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш ҳолатини чуқур ўрганиб чиқиш керак. Ана шунда ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиси миллий ғоя тарғиботчисига айланади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида “Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари” деган улуғ мақсад йўлида амалга оширилаётган барча ислохотларимизнинг марказида энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ манфаатлари турганлиги ниҳоятда муҳим воқеликдир.

Шу маънода Миллий ғояни ривожлантириш концепциясида халқимиз ҳаёт сифатини юксалтириш, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган ғояга қатъий амал қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, оналик ва болаликни, оилани, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хорижда яшаб таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўз билим ва тажрибаси, ақл-заковатини Ўзбекистон равнақи йўлида ишлатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларнинг алоҳида қайд этиб ўтилгани нафақат концепциянинг ҳаётийлигини таъминлаган, шу билан бирга реал мақсадларнинг қўйилганлиги, мамлакатимиз аҳолисининг бахтли ва фаровон яшаши учун барча имкониятлар ишга солинишини аниқ ифодалаганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Миллий ғояни ривожлантириш концепциясида яна бир муҳим жиҳат, жаҳолат нафақат диний, балки дунёвий, даҳрийлик кўринишида ҳам намоён бўлишига алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу айрим кишилар томонидан динни ёмонотлиқ қилишга уриниш ҳолатларига қарши муносиб жавоб бўлади. Дарҳақиқат, Миллий ғоя бундай жаҳолат кўринишларига қарши маърифат асосида кураш олиб боради, маънавият ва маърифат масаласини Ўзбекистонлик барча соғлом фикрли, масъулиятли кишиларнинг виждон ишига айланишига даъват этади.

4. Юксалиш тушунчасининг мазмун моҳияти

Бугун биз мутлақо Янги Ўзбекистон барпо этилаётган, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари янгиланаётган, халқимизни юксалиш сари етаклаётган Ҳаракатлар стратегияси самарали амалга оширилаётган замонда яшайпмиз. “Юксалиш” ғояси қарийб ўттиз йилдан буён мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон жамиятининг бугунги куни, янги тараққиёт босқичининг мақсад-муддаоларини яққол ва яхлит ифодалайди. Айни пайтда у мамлакатимизда кейинги йилларда кенг қулоч ёйган ислохотларнинг пировард натижаларига эришишнинг самарали йўллари ва имкониятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Таъкидлаш жоизки, “юксалиш” тушунчаси фалсафий маънода муайян халқ ёки давлат ўз тараққиётининг бир даврдан иккинчи даврига ўтиши ёки жамиятдаги умрини ўтаб бўлган тушунча ва тамойиллар, амалий фаолият мезонлари, баъзи тартиб-қоидалар ҳамда эскирган ижтимоий муносабатларнинг таянч парадигмаларини замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш ва ривожланишнинг янги босқичига эришиш жараёнини ифодалайди. Инсониятнинг кўп асрлик тажрибасига кўра, ҳар бир мамлакатнинг бу жабҳада танлаган ислоҳотлар стратегияси ўзига хос бўлиб, бошқа бир давлатнинг юксалиши учун айнан мос келмайди.

Айни пайтда, ушбу соҳада ҳам умумий қонуниятлар, асосий парадигмалар ва устувор тамойиллар шаклланган. Шу маънода қадимги дунёнинг доно файласуфларидан бири Конфуцийнинг “Юксалиш – эзгу мақсад, барқарорлик – унга эришишнинг шарт-шароити, ислоҳотлар эса уни таъминлашнинг асосий воситасидир” деган фикри ҳар қандай янги тараққиёт даврига ўтишнинг мазмун-моҳиятини лўнда ифодалайди.

“Юксалиш” тушунчасига бир қатор ибораларни кўшиб ишлатиш тажрибаси ҳам бор. “Иқтисодий юксалиш”, “Ижтимоий юксалиш”, “Маънавий юксалиш”, “Маданий юксалиш” кабилар ана шу асосда шаклланган. Масалан, Франция, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг II Жаҳон урушидан кейинги ривожланиши учун асос бўлган ва XX аср ўрталаридан бошланган тараққиёт стратегияларида иқтисодий юксалиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилгани маълум.

Хорижий экспертлар фикрига кўра, “юксалиш” тушунчасига “миллий” ибораси кўшиб ишлатилганида муайян халқ ёки бирор давлатнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланаётгани англашилади. Фарқлаш лозимки, миллий биқиклик ва миллий маҳдудликнинг натижаси бўлган “протекционизм” ва “изоляциялизм” билан боғлиқ ғоялар эса муайян мамлакатнинг ўз қобиғига ўралгани ҳамда ташқи дунёдан ажралиб қолганини билдиради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларини чуқур ўрганиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, бугун мамлакатимизда “Юксалиш” ғояси аҳолининг барча қатламлари, ҳамма сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг умумий манфаатлари ва муштарак мақсадларини ифодаламоқда. Бу ғоя юртимизда яшаётган барча кишиларнинг эзгу мақсад-муддаоларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Одилона қонуларни қабул

қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир”, “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” каби ҳикматларда “Юксалиш” ғояси таянч парадигмаларининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Улар жамиятимиз ҳаёти, халқимиз қалби ва онгидан чуқур жой олди, бутун мамлакатимиз, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, ғоявий ўзаги ва маънавий таянчига айланди. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солингани ва бунинг халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётгани эса ушбу жараённинг самарали амалга ошаётганидан далолат беради.

Бу борада дунёнинг баъзи халқлари ва мамлакатлари ҳаётида яхши самара бераётган тажрибалар ҳам бор. Масалан, Хитойда Дэн Сяопин 1978 йилдан бошлаб “ислохотлар ҳамда очиқлик” сиёсатини жорий қилгани маълум. Унга кўра, ташқи ҳамкорларга нисбатан “очиқ эшиклар сиёсати” тамойили, иқтисодиётни либераллаштириш, валютанинг эркин конвертацияси ҳамда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг тамал тоши бўлган эди. Мазкур мамлакатнинг ўзига хос тараққиёт стратегияси ва янгиланиш тамойиллари кейинги ўттиз йил давомида Хитойда ялпи ички маҳсулотнинг икки хонали рақамларда ўсишига имкон берди, уни дунёнинг энг қудратли ва бой мамлакатларидан бирига айлантирди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидланган “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”, деган фикр ҳам “Юксалиш” ғояси таянч тамойилларининг халқаро майдондаги яққол ифодасидир.

5. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси. Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида миллий ғояни ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари, янги мафкуравий хавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётгани мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширмоқда. Бу жараёнда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш талаб этилмоқда:

биринчидан, мамлакатимизни бугунги тез тараққий этиб бораётган дунёга мос равишда ривожлантириш, жамият аъзоларини миллий юксалиш йўлида янада бирлаштириш ва сафарбар этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

иккинчидан, мамлакат тинчлиги, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларига асосланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашда синовдан ўтган миллий ва жаҳон тажрибасининг самарали усулларида кенг фойдаланиш;

учинчидан, дунёда юз бераётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар, турли ахборот хуружлари мазмун-моҳиятини англаш, халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси, наркобизнес, “оммавий маданият” каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш ва уларни умуммиллий ҳаракат даражасига олиб чиқиш;

тўртинчидан, дунёвийлик ва динийликнинг соғлом мувозанатини таъминлаш, инсоф, виждон, диёнат каби ахлоқий қадриятларга таяниб яшаш ва фаолият юритишни фуқароларнинг дунёқараши ва хатти-ҳаракатига сингдириш;

бешинчидан, Ўзбекистон кўп миллатли бағрикенг диёр эканини инобатга олган ҳолда, “Миллий ғоя–бизнинг ғоя” деган тушунчани барча миллат ва элат вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш;

олтинчидан, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш;

еттинчидан, инсон капиталини ривожлантириш, таълим ва тарбияни миллий ғоя қадриятлари даражасига кўтариш, таълим олишга бўлган интилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш.

Миллий ғоя инсон, халқ ва жамият ҳаётига чуқур кириб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг бош мақсадини ифода этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида **миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари** деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқмоқда.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий вазифалари:

Ўзбекистонни 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига эришиш;

- ҳаёт сифатининг юқори даражасини таъминлашга қодир иқтисодий механизмларни жорий этиш орқали одамларнинг ҳаёт даражасини тубдан оширишга эришиш;

халқ манфаатлари ва адолат тамойиллари устунлигини таъминлашда **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”** деган ғояга қатъий амал қилиш;

-жамиятда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликнинг ғоявий асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, дини, миллий урф-одат ва қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

-хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, оналик ва болаликни, оилани, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш;

-буюк алломалар, азиз-авлиёлар бебаҳо меросини, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, енгилмас саркардалар, замондошларимиз жасоратини ёшларга етказиш, уларнинг қалбида ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш;

-халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган, миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бойлиги бўлган ўзбек тилини ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш;

-янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, юқори малакали, ҳалол ва садоқатли кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш;

-таълим-тарбия жараёнларини тараққиётнинг бош омили даражасига қўтариш, узлуксиз таълим-тарбия тизимини миллий ғояга мувофиқ такомиллаштириб бориш, тарбиянинг таълим стандартларини яратиш;

-таълим тизимининг барча бўғинларида юксак салоҳиятли, янгича ва мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга қодир ёшларни тарбиялаш, бу борада инновацион ёндашувни кенг жорий этиш;

-хорижда яшаб таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўз билим ва тажрибаси, ақл-заковатини Ўзбекистон равнақи йулида ишлатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

-Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган улуғ мақсад давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришни назарда тутди. Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бош ғоясидан келиб чиқади ва уни тўлдириб, бойитиб боради ҳамда халқимиз қалби ва онгига янада чуқур сингдиришга хизмат қилади.

Ягона Ватан туйғуси

Инсон қаерда яшамасин, ягона Ватан туйғуси уни ўз муқаддас замини билан боғлаб туради. Маънавий баркамол инсон доимо юртининг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида ўйлайди, унинг олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга интилади.

Шу боис ҳам Ўзбекистонликларнинг билим ва тажрибаси, ақл-заковати, истеъдодини Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, уларнинг орзу умидлари рўёби саналган миллий ғояни амалга ошириш йўлидаги интилишларни умуммиллий ҳаракатга айлантириш долзарб вазифа саналади.

Бу жараёнда Ватан равнақининг муҳим манбаи бўлган миллатлараро тотувлик ва динлараро багрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш асосида мамлакатдаги 130 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш муҳим ўрин тутди.

Адолат - қонун устуворлигида

Барча соҳада адолат ва қонун устувор бўлсагина жамиятда том маънодаги эркинлик ҳамда демократия, юксак маънавий, соғлом турмуш тарзи қарор топади. Шу боис, улуғ аجدодларимиз адолатли давлат ва жамият қуришни орзу қилиб, унинг ҳуқуқий ва илмий-фалсафий асосларига доир таълимотлар яратган.

Жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши **керак**” деган ғояга қатъий амал қилиб, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мулоқотлар орқали оддий фуқароларда давлатга, унинг идораларига бўлган ишонч мустаҳкамланади, улар ўзларининг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этаётганини, ҳуқуқий-демократик давлатда яшаётганлигини чуқур ҳис этиб, улкан бунёдкор кучга айланади.

Халқ розилиги

Инсон кадр-қимматини кўтариш, унинг ўз ҳаёти ва тақдирининг ҳақиқий эгаси деб ҳис этиши, моддий ва маънавий жиҳатдан тўқис яшаши учун барча зарур шароитларни яратиш, халқнинг розилигига эришиш миллий ғоянинг

муҳим вазифаси ҳисобланади. Юртимизда қабул қилинаётган қўплаб ижтимоий дастурлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шунда.

Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар тараққиёти, бир сўз билан айтганда, миллий юксалиш даражаси аввало халқимизнинг ўз бунёдкорлик салоҳияти, орзу-умидларини руёбга чиқариш учун яратиб бериладиган шарт-шароит ва имкониятларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган халқчил ва инсонпарвар сиёсат бу борада олдимизда турган улуғвор вазифаларни амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Жаҳолатга қарши маърифат

Жаҳолат нафақат диний шақлда, балки дунёвий, даҳрийлик кўринишида ҳам намоён бўлади. Миллий ғоя бундай жаҳолат кўринишларига қарши маърифат асосида кураш олиб боради, маънавият ва маърифат масаласини Ўзбекистонлик барча соғлом фикрли, масъулиятли кишиларнинг виждон ишига айланишига даъват этади.

Бунда аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга баҳдам бериш мақсадида қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омили ҳисобланади. Шу боис инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгиладиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бу борада миллий ғоя юртимиз заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросига, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига, жаҳон илм-фани ютуқлари ва умумбашарий тараққиёт тажрибаларига асосланади.

Инновацион тараққиёт

Ўзбекистон – улкан табиий заҳиралар, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой мамлакат. Шунинг учун миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари боришда иқтисодиётни, бутун мамлакатни инновацион асосда ривожлантириш муҳим роль уйнайди.

Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз бирор-бир соҳа ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – бу халқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Ўрта асрлар оралиғида юртимиз худудидан етишиб чиққан улуғ аллома ва мутафаккирлар жаҳон илм-фанига, бутун инсоният тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган.

Хусусан, **IX-XII** ва **XIV-XV** асрларда икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ Уйғониш даври –Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу боис ҳам, инновацион тараққиёт билан халқимизнинг анъанавий миллий турмуш тарзи ўртасида ўзига хос уйғунликни таъминлаш орқали Ўзбекистонга хос миллий тараққиёт моделини яратиш устувор вазифа ҳисобланади.

Миллий юксалиш ғояси халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилади.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари

Миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик қаби хусусиятларга эга эканлиги билан ифодаланади ва қуйидагиларда ўз аксини топади:

- миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатлари ва орзу-интилишларини акс эттириш;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш;
- қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият даражасига кўтариш;
- ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда масъулияти уйғунлигига эришиш;
- фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган иқтисодий омиллар самарадорлигини ошириш;
- миллий юксалиш ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш.

Назорат саволлари

1. “Иккинчи жаҳон уриши даврида фашистлар босиб олган қайси мамлакатда “қаршилик кўрсатиш” миллий ғоя даражасига кўтарилган?”

2. У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши нима билан бевосита боғлиқ?
3. Миллий мафқуранинг олий мақсадини изоҳланг...
4. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларини санаб ўтинг...
5. Стратегия ва тактика тшунчалари қандай маъноларни англатади?
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7- февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони неча банддан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/23/bmt/>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6- сон, 70-модда.
6. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
7. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойихаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558>.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
9. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.

10. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

11. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

12. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. – Т.: Маънавият, 2019.

13. Эркаев А. Учинчи Ренессанс – миллий ғоя сифатида. //Халқ сўзи, 2020 йил, 8-сентябрь.

3-мавзу. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ТАЛАБЛАР

Режа:

1. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари.

2. Миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанлар ва уларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, ечимини кутаётган муаммолар.

3. Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйиладиган талаблар.

4. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайтилиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши.

5. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари.

Таянч тушунчалар: Миллий ғоя, ўзликни англаш, миллий ўз-ўзини англаш, шахс тарбияси, миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, глобаллашув, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, ғоявий таъсир, ғоявий таъсир имкониятлари, услуб ва воситалар, янги техник ва технологик тизимлар, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар, талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш.

1. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари

“Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанларни ўқитишнинг ўзига хосликлари шундаки, **МИЛЛИЙ ҒОЯ** – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари-етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболлини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Миллий ғоя миллатнинг миллий ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш - ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичи мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Юқорида таъкидланган хусусиятлар шакланмас экан, мамлакат иқтисодий ривожланиши жумладан интеллектуал салоҳияти ривожланиши мумкин эмас. Аммо унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши янада мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият кўпчилигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгаллиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси жуда секинлик билан намоён бўлади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислом Каримов баён этишича, “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман”³³.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида уюшиш, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб етишга ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз биринчи Президентининг фикрича, «Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган... одам демократик неъматларнинг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига

³³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 132-154-бетлар.

айланади... Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади»³⁴.

Мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини англаб бўлмайди. Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини англаган шахслардан таркиб топади. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, интеллектуал салоҳияти, алоҳида «мени» билан боғлиқ. Ҳадисда айтилганидек, «Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди».

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг моддий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи ва ривожлантирувчи омил ҳисобланади. У фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, у миллатни «ҳаракат»га келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўз-ўзини англаш омили миллатни жипслаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг энг муҳим омилидир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390-338) фикрича, “Нодон халқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир”.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси ўлкамизни босиб олгандан сўнг ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тизими шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда:

1. Собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, кадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда.

2. Адолат, демократия ва ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг

³⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003, 34-бет

маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашнинг ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбек миллатида ўз-ўзини англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш - бугунги кунда таълим босқичларида миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг долзарб масалаларидандир.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар энг аввало янгича фикрлайдиган алоҳида шахс тарбиясига йўналтирилиши лозим. Чунки, ҳар қандай ғоя энг аввало индивидуал онгдан бошланади. Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор. Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам – барчамизга бирдай тегишлидир!

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки: “Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак³⁵.

Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим³⁶.

Аслида онтологик жиҳатдан ғоя ва мафкура субъектив реаллик ҳодисалари сифатида муайян нарсасиз, жараён-воқеликнинг бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд эканлигини ифодаловчи мазмунга эга. Фақат уни қалбан англаш зарур.

Бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанларни замонавий талаблар асосида ўқитишда энг аввало ёшлар онги ва шуурига ана шу фазилатларни сингдиришга, маънавиятли авлод тарбиясига эътибор қаратиш зарур. Чунки, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек,

³⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 110-б

³⁶ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 226-б.

“маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”.

Маълумки, миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанларнинг таълим-тарбиявий вазифаларини назарий ва амалий билимлар тизими асосидагина ҳал этиши мумкин.

Бу илмий дунёқараш, психология, педагогика, дидактика, фалсафа, демократик жамият қуриш, миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанларни ўқитиш назарияси, дидактикасини ўз ичига олади. Бироқ биргина назарий билимларнинг ўзи етарли эмас. Ўқитишнинг маълум мазмуни ва ўқитувчиларнинг ақлий фаолияти савияси билан таъсирланадиган у ёки бу ўқув йўналиши учун энг яроқли усуллари ва қўллай билиш дарсга тайёрланишда ёки дарснинг ўзида юзага келадиган аниқ методик вазифаларни ҳал этиши билиши зарур.

2. Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва уларни ўқитишнинг бугунги ҳолати, ечимини кутаётган муаммолар

Бугунги кунда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасининг умумқасбий ва ихтисослик фанлари блокига “Миллий ғоя, маънавиятнинг педагогик асослари”, “Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Этномаданият”, “Глобаллашув асослари”, “Геосиёсат асослари”, “Маънавиятшунослик”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Ижтимоий ҳаёт ва дин”, “Миллий ғоя тарғиботи технологиялари”, “Жаҳон сиёсий -мафкуравий таълимротлар тарихи”, “Миллий тараққиётнинг ғоявий асослари” каби миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар киритилган бўлиб, бу фанларни ўқитиш бугунги кунда ҳар бир ўқитувчидан чуқур билим, теран тафаккур ва мушоҳадани, янгиликлар ва замон талабларига мослашувни ҳамда ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш маҳоратини талаб этади.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитиш жараёнида ҳар бир педагог ўқув юртининг специфик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятини талабалар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ва дифференциал ёндошган ҳолда ташкил этмоғи ва амалга ошириб бормоғи лозим. Ёшларимизда миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини фаол шакллантириб бориш шубҳасиз уларнинг ғоявий-сиёсий камолотларида алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёнида дарснинг ўрни ва аҳамияти мутлақо бошқача. Ҳар ҳолда қадимги дидактика мутахассислари бир соатлик дарсни яхши бир

асар дейишгани бежиз эмас. Талаба учун у янги билим ва маълумотлар олишнинг энг асосий ва битмас-туганмас қайнар булоғидир. Дарс фақат билим олишнинг манбаигина эмас. Аини мана шу педагогик жараён давомида талаба билим олишга оид кўникма ва малакалар тизимига эга бўлиб боради. Ўзининг дунёқарашини кенгайтиради. Шу жараёнда унинг ўзини ва ўзлигини кўрсатиш учун муҳим ижтимоий-педагогик шароит ҳозирланади. Демак, у шахс сифатида шакллана бошлайди. Ушбу ҳолатлар ўқитувчи зиммасига жуда катта бурч ва масъулиятни юклайди. У келажакда шу жамиятнинг барча талабларига мос ва муносиб бўлиб ўсиши керак бўлган ёш авлод тақдирида энг муҳим ролни адо этади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини қайта қуриш, такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни узлуксиз ва мунтазам тарзда давом этмоқда. Буларнинг орасида дарс ва уни ташкил этиш, унинг самарадорлик даражасини ошириш, дарсни талаба учун энг қизиқарли, фойдали ҳамда ўзлигини намоён этадиган энг муҳим воситалардан бирига айлантириш сингари масалалар мавжуд.

Бунга қандай эришилади? Унинг сиру асрорлари нималардан иборат?

Бунинг биринчи ва энг асосий шarti ўқитувчи шахси билан боғлиқ. Токи ўқитувчи ҳар доимгидек моҳир ташкилотчи, билимдон етакчи, меҳрибон устоз, билимларни ўз вақтида тегишли шаклда етказиб берувчи асосий манба, шакл ва усуллар тизимининг эгалланишига мос ва муносиб йўлни кўрсатиб берувчи йўлбошчи, талабанинг асосий таянчи ва маслаҳатгўйи бўлмас экан таълим-тарбия жараёнига оид муваффақият ва ютуқлар ҳақида гапириш ортиқча бўлади. Халқимизда бир мақолнинг икки хил шакли оммалашган. Улардан бирида “Устоз – отангдан улуғ”, бошқасида “Устоз – отангдек улуғ” дейилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос талқинга эга.

Кўпинча ўқитувчини артистга ўхшатишади. Бу тўғри гап. Аммо ўқитувчи артистга ўхшайди дегани унинг артист бўлиши керак дегани эмас. Машҳур кашфиётчи ўқитувчи Ильин шундай дейди: “Артистларга ўхшашдан чўчиманг. Биз ўзимизни намоёниш этмаймиз. Биз ўзимизни бағишлаймиз. Дарс деган ижтимоийлик, оммавийлик, ошкоралик ва инсонийлик сабоқларидир”.

Бугун таълим муассасалари олдидаги асосий вазифа баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Баркамол авлод қирраларининг асосийлари эса глобаллашув жараёнидаги ижтимоий-маънавий муҳитда эркин ҳаракатлана олиш, рақобатбардошлик муҳитида ўзини йўқотмаслик, аксинча, жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини топа билиш, маънавий жиҳатдан юксак мақомни эгаллаш, шу йўл билан ўзлигини кўрсатиш ва жамиятга тегишли тарзда наф келтиришдан иборатдир.

Бола шахсининг шаклланишида дарс асосий ўрин тутар экан, демак, мана шу дарс жараёнини интенсивлаштириш ҳам асосий ўрин тутати. Бу нима дегани? Бунинг оддий ва соддагина талқини шундан иборатки, дарс талабаларни фикрлайдиган, чуқур мушоҳада қиладиган, ўқув жараёнига нисбатан қизиқишларини оширадиган, улардаги мустақил ва ижодий ишлаш руҳини шакллантирадиган жараёнга айланиши лозим.

Бунинг учун эса дарснинг барча таркибий қисмлари орасидаги алоқадорлик кучайтирилиши, хусусан, унинг шакл ва методларидан бошлаб ташкилий шакллари, унинг талаба шахсини фаоллаштиришга йўналтирадиган жиҳатларигача эътиборда тутилиши керак. Билимларни тайёр ҳолда бериш тамойили ўрнига талабанинг ўзи мана шу билимларни эгаллашга интиладиган шароитни яратиш, самара берадиган янгиликлар тизимини муносиб тарзда шакллантириш бу йўлдаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Дарс: унинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари

Ҳозирги таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий шакл дарсдир. У анъана тарзида бугун ҳам ўз нуфузини пасайтиргани йўқ. Фақат унинг мазмунида жиддий янгиланишлар бўлаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Маълумки, дарсга қўйиладиган умумдидактик ҳамда ҳар бир фаннинг ўз хусусиятларидан келиб чиқадиган талаблари мавжуд. Уларни умумпедагогик, методик, психологик, адабий ва лисоний талаблар тарзида гуруҳлаштириш мумкин. Миллий ғоя ва маънавият дарсларининг шакл, кўринишлари ҳам ниҳоятда хилма-хиллашиб бораётгани объектив жараён сифатида эътироф этилади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ уларга тайёргарлик кўришнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борлигини назарда тутати.

Замонавий янги шакл ва усуллар, дарс типлари осмондан тушгани йўқ. Уларнинг асосий қисми анъанавий дарс шаклларининг замонавийлаштирилиши, уларга янгилик элементларининг кўпроқ киритилиши, энг муҳими эса уларнинг мақсадга мувофиқ тарздаги янгиланишлари билан алоқадор. Илгари ҳам дарсларга, уларнинг таркибий қисмларига айрим ўзгариш ва қўшимчаларни киритишга, уларнинг мазмунини бойитишга бўлган уринишлар бўлган эди. Буни инкор этиш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, бу уринишларнинг мунтазам бўлмаганини, кўпроқ тасодифийликка ассланганлигини, муайян тизим шаклига киритилмаганини, мақсад ва вазифалар билан янгилик мазмунининг уйғунлашмаганини ҳам эътироф этишга тўғри келади.

Анъанавий дарсларнинг ҳам, ноанъанавий дарсларнинг ҳам асл ўзагини, туб моҳиятини унинг мақсади ташкил этади. Мақсаднинг дарс типига, шаклига, таркибий қисмлари орасидаги боғланишларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигига

мос ва муносиблиги унинг самарадорлигига кафолат беради, аксинча ҳолатларда эса бундай самарадорликка кўз тутиш эртақдан бошқа нарса бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда дарс самарадорлигининг асосий омили талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш билим моҳияти ва уни эгаллашга қаратилган шакл ва усуллар бирлигидан иборат бўлиши керак. Шундагина қўйилган мақсаднинг аниқ натижаси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Тасаввуримизнинг ойдинлашиши учун айрим мисолларни келтириш жоиз кўринади:

Маълумки, ўрта умумтаълим мактаб талабалари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликлари мазмуни ва вазифаси жиҳатидан мафкуравий адабиётлар ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан мафкуравий адабиётлар икки турга яъни:

- Мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланган адабиётларга;
- Номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, талабалар)га мўлжалланган адабиётларга бўлинади.

Мазкур турдаги адабиётлар бир биридан ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатдан фарқланади. Биринчи турдаги адабиётлар мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланганлиги учун уларда *ғоя, ғоянинг турлари, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва бу манзаранинг яқин келажакдаги ўзгаришлари тўғрисидаги илмий прогнозлар, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онига сингдириш методлари* аниқ, равшан баён этилади. Иккинчи турдаги адабиётлар эса номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, талабалар)га мўлжалланганлиги учун ҳам уларда *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онига сингдириш методлари* аниқ, равшан баён этилмайди (!). Аксинча бундай маълумотлар яширин тарзда, ўта методик усталик билан ўқув адабиётга жойланадики, натижада бу маълумотларни қабул қилиш кенг омма яъни, номутахасис (жумладан, талаба)лар учун қийинчилик туғдирмайди.

Ўз ўзидан иккинчи турдаги адабиётларни яратилишига қандай ёндашиш керак деган табиий савол туғилади? Айтиш лозимки, биринчи турдаги адабиётларга қараганда иккинчи турдаги адабиётларни яратиш анча мураккаб жараён дир. Унда аввало, аудитория жойлашган макон(ҳудуд), аудиториянинг менталитети, ёши, қизиқишлари ва бошқа шу каби жиҳатлари инобатга олиниши ва шундан кейин, дарслик мавзулари танланиши ҳамда ишланиши лозим. Мавзулар баёнига келганда қуруқ маълумот берувчи қисмларни чиқариб ташлаш ва мавзу баёнини “**ғоя демасдан ғояни – сингдириш**” тамойилига асосланган ҳолда яратиш лозим. Бу дегани, юқорида айтганимиздек, талабалар

(яъни, мутахассис бўлмаганлар) га мўлжалланган ўқув дарсликларида *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда ғояни кишилар онгига сингдириш йўллари ва усуллари* ҳақида тўхталмасдан, аксинча бу дарсликларни талабалар ёши ва қизиқишларига мос мавзулар киритилиши (шу мавзулар ичига албатта бунёдкор ғоялар сингдирилган бўлиши) мақсадга мувофиқдир.

Ўрта умумтаълим мактабнинг 7, 8, 9-синф талабалари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликлари³⁷ (ўйлашимизча ўқитувчи, мутахассислар учун эмас) талабалар учун мўлжалланган бўлиб, у иккинчи турдаги адабиётлар сирасига киради. Лекин, дарсликлар мазмунида кўпроқ яширин тарзда берилиши, сингдирилиши лозим бўлган жиҳатлар ошкора, қуруқ маълумот баёни сифатида бериб ўтилган. Масалан: 8-синф дарслигини оладиган бўлсак унда Миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғоялари сонма сон саналиб, ҳар бири алоҳида мавзу сифатида танланган ва бу мавзуларга тегишли маълумотлар очиқ, ошкора тарзда баён этилган. Бу ҳол ҳар учала дарсликда ҳам мавжуддир. Бизнингча бу дарсликларнинг методик камчилиги бўлиб, бу **“ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойилига** зид келади.

Дарсликлардаги ўнгланиши мумкин бўлган камчиликларни бизнингча қуйидаги йўллар билан бартараф этиш лозим:

- “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарслиklarини мафкуравий адабиётлар сифатида қараб уларни икки турга яъни, мутахассислар (яъни, шу фан ўқитувчилари)га мўлжалланган адабиётларга ва номутахассис (яъни, талабалар)га мўлжалланган адабиётларга бўлиш лозим;

- Мутахассис ўқитувчилар учун алоҳида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича методик қўлланма (*синф дарслиklarига мос ва синфлар кесимида*) яратилиши ва унда мавзулар очиқ, ошкора баён этилиши, мавзуга мос методлар келтирилиши ҳамда иложи борича ҳар бир мавзу бўйича видео, мултимедия махсулотлари дискка жойлаб, шу қўлланма ичда ўқитувчига етказилиши керак;

- Талабаларга мўлжалланган ўқув дарсликларида иложи борича *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда ғояни кишилар онгига сингдириш йўллари* ҳақида тўхталмасдан, Миллий ғояни сингдиришга йўналтирилган *“муаммоли вазиятлар тахлили”, “мунозарага йўналтирилган*

³⁷Қаранг:М.Қаршибоев, С.Нишонова, О.Мусурмонова,М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

Р.Қўчқоров, С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

О. Мусурмонова, Муртазо Қаршибоев, Раҳмон Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

воқеалар матни”, “мустақил ўқишга мўлжалланган матнлар” каби маълумотларни киритиш лозим.

- Талабаларга мўлжалланган ўқув дарсликлари мавзуга дахлдор фото суратлар (фақат ижобий, чиройли суратлар билан эмас балки, инсон тубанлашувининг оқибатларини кўрсатиб берувчи расмлар) билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарслиklarини тайёрланишига юқорида айтиб ўтилган жиҳатларга эътибор қаратилиши мазкур дарслиklarни янада мукамаллашувига, янги авлод дарслиklarини вужудга келишига олиб келади. Ўқитувчиларга ҳам талабаларга ҳам мўлжалланган қўлланма ва дарслиklarни яратилиши “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсини илмий ва методик жиҳатдан сифатини ошишини таъминлайди. Бу эса, талабаларни ғоя ёки мафкура тўғрисидаги маълумотларни қуруқ эшитишдан кўра, ғоя тушунчасини, унинг кучини, бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни ҳамда бу жараёнларда қандай йўл тутиш лозимлигини жонли мушоҳада билан англаш имконини беради.

3. Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишга қўйилаётган талаблар

Бугунги глобаллашув даврида таълим – тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) дадил кириб келиши устоз-мураббийлар зиммасига катта маъсулият юкламоқда. Давр билан ҳамнафас қадам ташлаш замонавий педагоглардан изланувчанлик, ижодкорлик, ўз маҳоратини мунтазам оширишни тақозо этади.

Чунки, ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуллари ўрнида интефаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Чунки, ҳозирги даврда ғоявий-мафкуравий жараёнлар глобаллашиб, ер юзидаги барча минтақа ва мамлакатларни қамраб олиб, интеграциялашиш, глобаллашиш, дифференциялашиш, интенсивлашиш каби хусусиятларни намоён қилмоқда.

Қолаверса, глобаллашув жараёнининг айниқса тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим ғаразли носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

“Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, - деб таъкидлайди И.Каримов, - ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”³⁸.

Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга³⁹. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳаммага маълум.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларни ушбу воситаларни қўлламасликка чақириш ҳам тўғри келмаслиги ушбу асарда қуйидагича изоҳланади: “Биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”⁴⁰.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

³⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, - 113-б.

³⁹ Ўша жойда.

⁴⁰ Ўша жойда.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Глобаллашув шароитида инсон, айниқса, ёшлар қалби ва онги учун кураш борган сайин шиддатли тус олиб, дунёнинг мафкуравий манзараси тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “...Биз бугун ахборот глобаллашуви даврида яшаймиз. Биз истаймизми, йўқми, юртимизга турли кўринишдаги ахборот хуружлари бўлиши табиий. Ана шундай хуружларга қарши аҳолида, айниқса, ёшларда иммунитетни мустаҳкамлаш, уларни миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда телевидение ва радионинг ўрни бекиёсдир”⁴¹, дея таъкидлаганларига энг аввало миллий ғоя соҳаси вакиллари алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Бугунги глобаллашув ва ахборотлашув шароитида айниқса маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширишда замонавий усул ва воситалардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда талаба ва ўқитувчи ҳамкорлиги жуда муҳим роль ўйнайди. Талабада бу технологиялардан фойдаланишда замонавий усул моҳиятини ҳис қила олиш қобилияти кучли бўлиши керак. Талабада бу қобилиятни шакллантириш эса мазкур фан ўқитувчиларидан ижодкорлик ва маҳорат талаб этилади.

Бунинг учун қатор ишлар ташкил қилиниши лозим, жумладан:

- таниқли олимлар ва ижодкорлар, шу фан бўйича туман(шаҳар), вилоят йил ўқитувчилари билан учрашувлар;
- янги технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- академ гуруҳларда замонавий технологияни акс эттирувчи мўъжазгина кўргазмалар ташкил қилиш;
- АКТ имконияти ва қурилмаларидан самарали фойдалана олиши.

Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган кунда, истаган жойда туриб дунёнинг нариги чеккасидаги одам билан мулоқатга киришиш имконияти туғилган. Юртимизда интернет тизими янада ривожланмоқда, асосийси ундан “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил, истаганинг билан юр” қабалида фойдаланмаслик зарур. Ёшларни “оммавий маданият”нинг “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил истаганинг билан юр” қабалидаги фикрлар, ғоялар орқали тарғиб

⁴¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017, 25-6.

қилинмоқда, ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилиқ онгини бошқарига уринмоқда.

Таълим муассасаларимизда талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз айтганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замон талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Энг аввало ёшларга тўғри билим бериб, уларда кўникма ва малакани тўғри шакллантириб бориш лозим.

4. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши

Ҳозирги даврда глобаллашув жараёнида билимлар мажмуаси ва ахборотлар, турли хил адабиётлар шу қадар кўпайиб кетдик, уларни маълум ажратилган соатда ўзлаштириб олиш қийин. Шу сабабли енг зарур билимларни эгаллаш учун ўқитишнинг турли хил технологиялари ва методлари юзага келмоқда уларни саралаб турмушда қўллаш асосий вазифадир.

“Ўқитиш технологияси” тушунчаси илк бор 1970 йилда ЮНЕСКО конференциясида янгради. Шу ташкилот томонидан нашр қилинган “Яшаш учун ўқиш” номли маърузада юқоридаги атама таълимий жараёни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч сифатида аниқланди. “Қандай ўқиш керак?” номли маърузада эса биринчи марта унга таъриф берилди. Унда ўқитиш технологияси информацион инқилоб натижасида пайдо бўлган ва дидактикада фойдаланадиган инсон ўртасида алоқа (мулоқот) усул ва воситалари йиғиндиси сифатида тавсифланади.

Ўзбекистонда педагоглар Н.Сайидахмедов, У.Толипов, У.Нишоналиев, А.Очилов, Н.Азизхўжаевалар ўқитиш технологияси муаммолари билан шуғулланиб, бу соҳага муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Т.Шопаваленько, А.Монахов, Д.Блок, Б.Блум, Т.Гильберт, Р.Майдтир каби чет эллик тадқиқотчилар хизматини ҳам эътироф этиш зарур. Албатта, олим ва мутахассисларнинг қарашлари бири-бирига мос келмаслиги табиийдир. Баъзилари ўқитиш технологиясини педагогика фани сифатида қарайди.

Замонавий педагогикада ўқитиш технологиясининг асосий тавсифи сифатида унинг тизимлилиги, илмийлиги, қайта тикланувчанлиги, қўшилувчанлиги, самарадорлиги, сифат ва мотивлашганлиги, алгоритмлашганлиги, ахборотлилиги, нусха олиш имконияти, янги шароитга кўчириш мумкинлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилади.

Жамият, маданият ва таълим ривожланаётган, глобаллашув тобора кенг авж олаётган бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишда таълимий инновациялар татбиқини яхшилаш, улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини инновацион йўналтиришнинг зарурлигини куйидаги ҳолатлар белгилайди.

- Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар таълим сифатини янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлигини тақазо этади. Бунда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва таълим жараёнига татбиқ этишни ўз ичига олган ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлиги таълим сиёсатини янгилаш воситаси сифатида намоён бўлади.

- Иккинчидан, таълим мазмунининг инсонпарварлашуви, ўқув предметлари ҳажми ва таркибининг ўзгариши таълимнинг янги ташкилий шакл ва технологияларини таълим жараёнига татбиқ этилишини талаб этади.

- Учинчидан, ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга бўлган муносабатлари ўзгариб бормоқда. Аввал инновацион педагогик фаолият, асосан юқоридан тақлиф этилган янгиликларни таълим жараёнига жорий этиш билан чекланган бўлса, ҳозир у танланадиган тадқиқот характерига эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун, таълимни бошқариш ташкилотлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан таълим амалиётига киритилаётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун қулай таълимий шароит яратиш муҳим йўналишга айланмоқда.

Замонавий таълим амалиётида “таълимда инновация”, “педагогик инновация”, “таълимни модернизациялаш” каби атамалардан кенг фойдаланилади. Таълимни модернизациялаш таълим соҳасидаги давлат сиёсати, давлат миқёсида таълимни ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ бўлиб, таълим соҳасидаги модернизация масалалари давлат структураларининг ташаббуси билан ечилади. Педагогик инновациялар эса илмий мактабларда, таълим амалиётида ҳамда олим ва педагогларнинг ижодий фаолияти натижасида вужудга келади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлашда “янгилик”, “янгилик киритиш”, “янгиликни”, “инновация”, “инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион маданият” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга. Янгилик ҳар томонлама ўйлаб чиқилган, режалаштирилган, ўқув жараёнига мақсадли киритилаётган ҳамда мазкур кўринишда аввал учрамаган янги таълимий амалиёт (янги тартиб, услуб, метод, методология, технология ва б.) ҳисобланади.

Ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлигини шакллантиришда у ёки бу янгиликларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор мезонлардан фойдаланиш лозим.

Педагогик инновация мезонларига қуйидагилар кирди:

- янгилик;
- оптималлик;
- юқори натижавийлик;
- инновацияларни оммавий тажрибада ижодий қўллаш имконияти.

Таълим муассасаларида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик инновациянинг асосий мезони *янгиликдир*.

Шунинг учун, инновацион педагогик жараёнда иштирок этишни истаган миллий ғоя ёки миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларфани ўқитувчиси тақдим этилаётган янгиликнинг моҳияти нимада эканлиги ҳамда янгиликнинг даражасини аниқлаб олиши муҳим ҳисобланади. Чунки баъзи ўқитувчилар учун бу ҳақиқатан янгилик бўлиши, бошқалар учун эса бундай ҳисобланмаслиги мумкин. Шу боис, ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга жалб этиш жараёнига уларнинг хоҳиши, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш керак.

Янгилик қуйидаги босқичларга (даражаларга) бўлинади: абсолют, локал-абсолют, шартли, субъектив, таниқлик даражаси ва қўлланиш соҳаси билан фарқланувчи.

Оптималлик педагогик инновация самарадорлигини аниқловчи мезон сифатида белгиланган натижага эришиш учун ўқитувчи ва талабанинг сарфлаган куч ва воситаларини белгилайди. Турли ўқитувчилар ўзининг ва талабаларнинг меҳнат интенсивлиги турлича бўлганида бир хил натижага эришишлари мумкин. Таълим жараёнига кам куч ва вақт сарфлаб педагогик инновацияларни татбиқ этиш ва юқори натижаларга эришиш унинг оптималлигидан далолат беради.

Юқори натижавийлик педагогик инновациянинг мезони сифатида ўқитувчилар фаолиятидаги ижобий натижаларнинг турғунлигини белгилайди. Баҳолашдаги технологиялилиқ, натижаларнинг кузатилиши ва белгиланиши, тушуниш ва баён этишдаги бирёқламалиқ таълим-тарбиянинг янги усул ва услубларининг аҳамиятини баҳолашда мазкур мезоннинг муҳимлиги кўринади. педагогик инновациянинг юқори натижавийлик мезонининг қиммати баркамол шахсни шакллантиришни таъминлаш ҳисобланади.

Оммавий тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш имкониятлари мезонини педагогик инновацияларни баҳолаш мезони сифатида ифодалаш мумкин. Оммавий педагогик тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар фаолиятининг бошланғич босқичида тасдиқланади. У тажриба-синовдан ўтганидан ва объектив баҳоланганидан сўнг оммавий татбиқ этишга тавсия этилиши мумкин.

Ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришда ўқитувчиларда қуйидаги элементларнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади:

– ўқитувчиларнинг янгиликларни қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи мотивлар, қарашларнинг мавжудлиги, уларда инновацион йўналганликнинг шаклланганлиги;

– креативлик ва индивидуаллик, фаолиятли ўзини англаш каби ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги;

– ўқитувчиларда педагогик маданиятнинг ривожланганлиги;

– ўқитувчиларда анъанавий топшириқларни вариатив услубда амалга оширишни таъминлайдиган технологик компонентнинг шаклланганлиги;

– ўқитувчиларда инновацион жараёнда ўзи ва мазкур жараёндаги ўрни ҳақида адекват тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи рефлексиянинг мавжудлиги.

Инновацион маданиятга касбий ҳодиса сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки маданият касбнинг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, мутахассис қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, жамият ҳаётидаги турли соҳаларга, яъни меҳнат, маиший хизмат, дам олиш, таълим ва мулоқат соҳаларига янгиликларни киритади.

Ўқитувчиларнинг **умуммаданий сифатларига** маънавий, фуқаролик сифатлар ва эрудиция (билимдонлик) киради.

Ўқитувчиларнинг юқори даражали самара берувчи янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга кўмаклашувчи **касбий сифатларига** қуйидагилар киради:

– ўқитувчиларнинг ўз предметини билиши;

- технологик маданиятга эгаллиги;
- психологик маданиятининг ривожланганлиги.

Педагогик фаолиятни инновацион йўналтиришнинг асосий омилларидан бири ўқитувчиларда муайян шахсий сифатларнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун, ўқитувчиларнинг инновацион маданиятини шакллантиришда унда қандай шахсий сифатлар ривожланган бўлишини аниқлаштириб олиш лозим.

Ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг инновацион маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизмида ўқитувчиларнинг учта шахсий хусусиятлари ажратиб олинди. Буларга қуйидаги **шахсий сифатлар** киради:

- ўқитувчиларнинг талабаларга ривожланаётган субъект сифатида муносабатда бўлиши;
- ўқитувчиларда инсоний ўзаро муносабат маданиятининг ривожланганлиги;
- ўқитувчиларнинг ўзига ривожланаётган субъект сифатида қарashi.

Ўқитувчининг инновацион маданиятини қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентлар йиғиндиси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Булар, технологик, фаолиятли, коммуникатив, шахсий-ижодий компонентлар.

5. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитишда ўқитувчидан алоҳида маҳорат, билим, ижодкорлик талаб этилади.

Мавзулар далиллар аниқ мисол турли ривоят, ҳикоят, воқеалар баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўзлаштиришда замонавий педагогик технологияни, педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга қизиқтириш;
- талабаларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишни таъминлаш;
- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш;
- педагог ва талаба талабанинг ҳамisha ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш.

Педагогик технологиянинг асосий негизи бу ўқитувчи ва талаба-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, жараёнида талаба талабалар: мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Талабалар қуйидаги таълим принципларини билишлари ва уни амалиётда қўллай олишлари шарт: мазмун, метод, оғзаки (вербал), ёзма тест шакллари, амалий (семинар), маъруза, лаборатория. Воситалари: компьютер, киноскоп, кодоскоп, киноаппарат, видеомагнитофон, дисплей, тарқатма материал, усул, чизмалар, ёзмалар, ёзма материаллар, пед технологиялар.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни бу мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараён дир.

Жараён: ўқитувчи талаба-талаба. Мақсад: мазмун – метод – шакл – восита – натижа.

Мақсадни амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиши, ҳам ўқув ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун метод, шакл воситага яъни технологияга боғлиқ.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири талабаларда асосий тушунчаларни шакллантириш дир.

Тушунча – бу предмет тўпламларининг муҳим, умумий белгилари тўғрисидаги фикр дир. Тушунча талабаларда предмет ва ҳақиқий олам ҳодисаларининг ҳиссий образлари бўлган тасаввурларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Масалан: маънавият, маърифат тушунчалари орқали идрок қилиш билан талабалар маъно, билим, рух тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Бу тушунчаларнинг ранг – баранг хоссаларини эътиборга олиб, бу тасаввурларни таққослаб талаба унинг умумий, муҳим хоссаларини умумлаштиради.

Бу мисолдан кўринадики, тушунчаларнинг шаклланиш усулларида бири қаралаётган предметлар тўпламига мос бўлмаган ҳар хил белгиларни чиқариб ташлаб, умумий, муҳим, белгиларни сақлаб қолишдан иборатдир.

Бу тушунчалар орасида боғланиш тушунчалар таърифида унинг яқин тури ва кўриниши фарқларини кўрсатиш билан ифодалаш мумкин.

Масалан: маънавият, маърифат тушунчаларининг шаклланишидан ташқари фанлараро муносабатни аниқлаш ҳам муҳимдир.

Масалан: аниқ тушунчалар қаралаётган объектлар орасидаги муносабатларни ўрнатиш билан шаклланади. Маънавият, маърифат, маданият, миллий истиқлол ғояси, миллий ғоя, мафкура, ахлоқ, тушунчаларига умумийлик сифатида қаралади.

1. Талабаларнинг ўқув фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Дарсда ўқитувчи талабаларни ўқитади, талабалар эса ўқийди деган фикрни бошқа сўзларда қуйидагича ифодалаш мумкин: талабалар ўқув, малака ва билимларни эгаллайдилар, ўқитувчилар эса билимни эгаллаш жараёнига раҳбарлик қиладилар.

Бу раҳбарлик ўқитувчининг талабалар ўқув фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун ўқитувчи керакли материал танлайди, уни маълум кетма-кетликда жойлаштиради, талабаларга билим манбаларини тавсия қилади, талабаларнинг ўзлаштириш бўйича фаолиятини ташкил этади, билимни ўзлаштириш жараёни қандай ўтишини назорат қилади.

Талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёни қийин жараёндыр. Буни мураккаб тушунчаларнинг вужудга келишини ҳаққоний англагандагина тўғри тушуниш мумкин.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлартуркумига кирувчи фанларни ўқитиш билимлар ва унинг ҳақиқатлиги бизнинг атрофимизда турган нарсаларнинг мавжудлигига, уни кузатиш ва тажрибаларга боғлиқ эмас, кузатиш ва тажриба бизга тушунчаларнинг ҳосил бўлишига майл бағишлайди. Лекин ҳақиқатни тасаввур қилишга асосан тушунчалар биздан ташқаридаги нарсаларнинг хоссаларини акс эттиради. Космос тушунчаси ёки фазовий олам тушунчаси биздан ташқаридаги нарсаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан.

Тушунчаларнинг вужудга келишини бундай тушуниш ёш, мактаб талабаларининг ташқи олам объектларига хос бўлган фазовий шакл, микдорий муносабатларни ўрганишларини тарбиялайди ва ташқи олам ҳақидаги, космос ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, талабалар мавжуд билимларни, ўзларининг катта шахсий тажрибаларида мустақил муносабатнинг таъсири бўлган ҳолда эгаллайди.

Ўқитувчи талабаларнинг билимларини аниқлайди, уларни тўлдиради ва шу пойдеворга янги билимларни ўзлаштиришни ташкил этади. Янги билимларни бундай эгаллаш, янги факт ва тушунчаларни кузатиш асосида мустақил ишлаши, шунингдек, кишилар томонидан ишланган билимларни эгаллаш билан олиб бориш мумкин. Бунда янги билимларни эгаллаш янги ва олдинги билимлар орасидаги таърифланган тушунчалар ва янги фактлар орасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш асосида боради. Тушунчалар талаба онгида ўзгаришсиз қолмасдан улар шаклан ўзгаради, ривожланади.

Масалан: ўқув ва ҳаётдаги амалий тажрибалар асосида предметларни таққослаш, солиштириш шунингдек, болалар асосий белгиларни ўзлаштириб олади. Шундай қилиб, талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигида билимларни эгаллаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

-талабаларнинг шахсий ҳаётий тажрибаси ва олдин эгаллаган билимлари
-мактабда ташкил килинган тажриба: кузатиш, лаборатория ва бошқа амалий ишлар

-тўпланган тажриба, китобларда босилган билимлар. Билимларни ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларда қўллаш

-ўқитувчи ва талабалар фаолияти орасидаги мослик.

Талабаларнинг билим олишлари ва ўқитувчининг унга раҳбарлигини қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчининг фаолияти:

1.Талабаларнинг билимини сўраш, суҳбат, ҳисоблаш, амалий топшириқлар бериш асосида талабалар билимини аниқлаш.

2. Кўргазмали қурол ва воситаларни намоён қилиш ва кузатишни ташкил қилиш.

Суҳбат тушунтиришларни боғланган ҳолда билимларни баён қилиш, китоб билан ишлашни уюштириш.

Талабаларнинг ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларини ташкил этиш.

Сўраш ва амалий ишларни бажариш бўйича топшириқ бериш йўли билан талабалар билимини текшириш.

Талабалар фаолияти:

1. Ўқитувчи саволларига жавоб бериш, ёрдамида топшириқлар бажариш.


2. Тавсия қилинган объектлар устида кузатиш, таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, дедуктив хулосалар чиқариш.

3. Ўқитувчининг баёнини тинглаш, китоб ўқиш, фактларни умумлаштириш ва эслаш.

4. Эгалланган билимларни амалий ишларни бажаришга қўллаш, олдин эгалланган билимларни ўзгарган шароитда қўллаш.

5. Ўқитувчининг саволларига жавоб бериш, амалий ишларни бажариш.

Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумидаги фанларни ўқитиш борасида бир қатор фанлар орасидаги алоқадорлик.



Ушбу дарсларида билимларнинг шундай пухта пойдеворини қўйиш керакки, бу пойдевор устига бундан кейинги таълимни узлуксиз давом эттириш мумкин бўлсин.

Назорат саволлари

1. Миллий ўз-ўзини англаш деганда нимани тушунасиз?
2. Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ўзликни англаш тушунчасига берган таърифини изоҳланг...
3. “Нодон халқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир”. –
Ушбу фикрлар қайси Хитой мутафаккирига тегишли?
4. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзликимизни англаш неча йўналишда намоён бўлмоқда?
5. Биз нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамыз?
6. Бугунги кунда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасининг умумқасбий ва ихтисослик фанлари блокига киритилган фанларни санаб ўтинг ва бугунги кунда ушбу фанларга бўлган эҳтиёжни асосланг...

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/23/bmt/>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465 – сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558>.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
12. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.
13. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.
14. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
15. Қаршибоев М., Нишонова С., Мусурмонова О., Қаршибоев М. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. – Т.: “Маънавият”, 2011.
16. Мусурмонова О, Қаршибоев М, Қўчқоров Р. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. – Т.: “Маънавият”, 2011.

17. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. – Т.:ТДПУ, 2013.

18. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.

19. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

4-мавзу: КОМПЕТЕНЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ. МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Режа:

1. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялар.

2. Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси. Компетенцияларга асосланган таълим.

3. Бугунги кунда профессор-ўқитувчиларнинг мафкуравий компетентлигини шакллантириш зарурияти.

4. Талаба ёшларнинг маънавий ва ғоявий тарбиясида педагогларнинг ўрни ва роли.

5. Профессор-ўқитувчиларнинг имидж масаласи, нутқий салоҳияти, кундалик фаолиятда сўз ва амал бирлиги масаласи

Таянч тушунчалар: Миллий ғоя, дарс, дарс жараёнлари, компетенция, компетенциявий ёндашув, компетенцияларга асосланган таълим, ўқитувчининг умуммаданий сифатлари, ўқитувчининг шахсий сифатлари педагогнинг касбий компетентлиги, педагогнинг ғоявий компетентлиги, педагогнинг мафкуравий компетентлиги, педагогнинг маънавий компетентлиги, имидж, ўқитувчи имиджи.

1. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналишидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва
маънавий-маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялар
Бугунги кунда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналишидаги фанлар ўқитувчиларининг дарс жараёнларида ва маънавий-

маърифий ишларда янгича ёндашув ва инновациялар, янгиликларга интилиш талаб этилади.

Аслида инновация инсоният яралгандан буён мавжуд. “Бизнинг аجدодларимиз ҳам жамият ҳаётини ўзгартирган ёки олдинга силжитган, ўзлари яшаган даврга хос ёки базавий инновациялар билан шуғулланган. Масалан, эрамиздан аввалги 1200 йилларда темир қуйиш технологиясининг яратилиши инсоният тарихида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлган”⁴². Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирган реннесанс даврида аجدодларимиз томонидан яратилган кашфиётлар ҳамда илмий фаразлар Ўзбекистон келгусида дунё тамаддунига навбатдаги салмоқли ҳиссасини қўшишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ушбу жабҳада юзага келган бўшлиқни тўлдириш вазифаси бугунги куннинг долзарб масаласи.

Маълумки, сўнгги 50 йил ичида ахборот технологиялари соҳасида улкан инновацион кашфиётлар яратилди. Технологик кашфиётлар ахборотни узатиш ва қайта ишлаш харажатларини кескин пасайтирди. Шу билан бирга, ахборотнинг тезкорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўтарилди. Ушбу тенденция жуда тез суръатларда ривожланди. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги ютуқлар глобаллашув жараёнини ривожлантириб, одамларни муайян тармоқлар ичида бирлашишига, яъни тармоқ жамиятлари, тармоқлашган маълумотлар базаларини юзага келтирди⁴³. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда дарс жараёнларида ва аудиториядан ташқарида талаба ёшларнинг инновацион салоҳиятини ошириш, бунинг учун замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Янгиликларга интилиш, шунингдек, барча соҳаларда рақобатни кучайтириш даврида инновацияларни ривожлантиришнинг кенг йўллари очиш жамият тараққиётининг муҳим омилidir. Инсониятнинг бутун тарихий йўлидаги тараққиёти жамиятнинг барча аъзолари, айниқса, ёшларнинг таълим ва ташаббускорлиги билан белгиланади. Келгуси йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси жамиятни инновацион ривожланиш турига, инновацион инсон капиталини шакллантиришга ўтишни назарда тутди. Инсон капиталининг сифатли ва миқдорий хусусиятларига боғлиқ асосий элементи – ёшлар. Ёшларни яқин келажакда жамият суяниши

⁴² Муродхужаев Х.А. Инновацион ривожланиш – бу келажак пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси сайти. URL: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3581-innovatsion-rivozhlanish-bu-kelazhak-poydevori>.

⁴³ Leijten, J. Innovation policy and international relations: directions for EU diplomacy. Eur J Futures Res (2019) 7: 4. <https://doi.org/10.1186/s40309-019-0156-1> page 3

мумкин бўлган, ижтимоий йўналишларни ишлаб чиқадиغان ижтимоий-демографик гуруҳ деб қарашимиз мумкин. Замонавий тадқиқотчилар ёш авлодни инновация соҳаси учун муҳим бўлган динамизм (фаолият), тадбиркорлик, ташаббускорлик каби фазилатларга эгаллигини таъкидлаб, ёш авлоднинг инновацион салоҳиятини давлат тараққиёти йўлида ривожлантириш ва “жорий этиш” зарурлигини айтиб ўтмоқдалар. Бугунги кунда инновацион ривожланиш йўлига ўтар эканмиз, энг аввало, инвестицияларни жамиятни етакчи кучи сифатида намоён бўлаётган ёшларга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб этмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”, деб таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илмий салоҳиятни тиклаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни инновацион фикрлашга, илмий-тадқиқот фаолиятига фаол жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб қўйилмоқда.

Шундай экан, аввало, “инновация” тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтсак. Инновация бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

“Инновация” атамаси латинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгилаш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса латинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “Innovatio” кўринишида таржима қилсак – “ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади.

“Innovation” тушунчаси илк марта XIX асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди. “Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX асрнинг бошида австриялик ва америкалик иқтисодчи Й.Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900 йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий муомалага киритган дастлабки олимлардан бири эди⁴⁴.

⁴⁴ Terabayt.uz Интернет сайтдан маълумотлар.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янгилик фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади.

Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи:

- илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш; - инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир;
- ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак;
- инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, инновациялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни такомиллаштириш, янги саноат ҳамда молиявий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг экспортбоплигини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутар экан.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнларга ёшларни кенг жалб қилиш бўйича изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2. Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси.

Компетенцияларга асосланган таълим

Ҳозирги кунда таълим соҳасида “компетенция”, “компетенциявий ёндашув”, “компетентлилик” тушунчалари фаол қўллана бошлади. Бу тушунча Европада биринчи марта 1596 йилда Википедия луғатида ишлатилган. Ҳозирда Википедияда электрон луғатда “компетенция” тушунчаси “бу ходимнинг лавозим талабларига мувофиқ ишлаш қобилиятидир”⁴⁵, дея изоҳланган.

⁴⁵ [www.wikipedia.org/wiki/ Компетенция](http://www.wikipedia.org/wiki/Компетенция).

Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзларнинг маънолари турлича изоҳланади. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да компетенция сўзига қуйидагича таъриф берилади:

“**Компетенция**-(лот. Competere- лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси”.¹⁸

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуйидагича шарҳланади:

“**Компетенция-1.** Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. *юр.* ҳуқуқ (вазифа, иш) доираси.”;

“**Компетенция-1.** Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2.Ваколат, ҳуқуқ ихтиёр; **Компетентн/ый,-ая, ое,-тен, -тна-**старли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни ҳуқуққа эга бўлган; ваколатли; **Компетентность-чукур** билимга эгалик; чукур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”¹⁹

Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий ёндашувни** эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, талабаларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади.

Компетенциялар 2 асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади. **Таянч компетенциялар** инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси,

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4–жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.

¹⁹ Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б.456.

касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, у

1) коммуникатив компетенция:

- жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тилини (ёки бошқа бир тилни) мукамал ўзлаштириш ва мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;
- мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш ва суҳбатдошини ишонтира билиш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда конструктив қарорларни қабул қила олиш.

2) ахборот билан ишлаш компетенцияси:

- мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио, телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиш;
- медиа воситалардан керакли ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;
- маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;
- кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш.

3) шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси:

- ўзини шахс сифатида мунтазам ривожлантириб бориш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш;
- ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиш, билими, тажрибасини мустақил равишда ошириб бориш;
- ўз ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилик каби сифатларга эга бўлиш;
- ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.

4) ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;
- ўз фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш
- фуқаролик муносабатларида муомала, иктисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;

- касбий мавқеининг ўсишига интилиши орқали жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга мухтожларга саховатли бўлиш.

5) умуммаданий компетенциялар

- Ватанига садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;

- бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш;

- кийиниш, юриш-туриш ва муомала-мулоқот юритишда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;

- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш ва эъзозлаш;

- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, сахийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;

- халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

б) математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

- аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш;

- шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш;

- кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш;

- инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади.

Жумладан, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитишда талабалардан **ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, ахборот билан ишлаш компетенцияси, коммуникатив компетенция, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси билан бирга социокультурологик, прагматик компетенцияларни** эгаллашлари ҳам талаб этилади.

1. Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенцияда шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ҳолда ёки ўз миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда сўзловчининг коммуникатив мақсаддан келиб чиққан муайян нутқий вазиятга

мос ифода усулини танлаш имкониятини ҳосил қилиш, яъни: ўзбек тилидаги саломлашиш, мурожаат шакллари, муомала одоби меъёрларини кўзда тутати. Ушбу лаёқат талабаларни ўз халқининг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, уларни ўқиб ўрганиш, шундан келиб чиқиб, халқнинг тарихий, маданий ҳаётига хос муҳим лавҳаларни, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўрганиш орқали шакллантирилади.

2. Прагматик компетенция миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар бўйича кундалик ҳаётида эгаллаган билим, кўникмалари асосида мустақил равишда мулоқотга кириша олиш қобилиятини, коммуникатив вазиятларда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга қўшилиш, эгалланган билимларнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутати.

Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникма-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади .

Қайд этилган компетенциялар ҳам *умумтаълимий мақсадни*, ҳам *тарбиявий мақсадни* кўзда тутати ҳамда таълим олувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган **метакомпетенциялар** таркиб топишига олиб келади. Бироқ кўзда тутилган провард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

3. Бугунги кунда профессор-ўқитувчиларнинг мафкуравий компетентлигини шакллантириш зарурияти

Ҳар томонлама етук, баркамол авлод тарбияси энг аввало таълим тизими ходимларидан юксак касбий компетентликни талаб этади. Хўш, “таълим тизими ходимларининг юксак касбий компетентлиги” деганда нималар назарда тутилади?

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда таълим соҳасида “компетенция”, “компетенциявий ёндашув”, “компетентлилик” тушунчалари фаол қўлланила бошланди.

Педагогнинг касбий компетентлиги педагогик функцияларни муайян тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мувофиқ

бажаришга тайёрлик ва қодирликни белгиловчи касбий-шахсий хусусиятларни ифода этади.

Касбий компетентлик ўз фаолият соҳасида эркин мўлжал олишни кўзда туттади. Компетентлик уч муҳим омил билан боғлиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришни назарда туттади:

- бошқа одамлар билан муносабатлар маданиятини;
- ўз фаолият соҳаси ҳақида ахборот олиш кўникмасини;
- ўқув ахборотини бошқаларга бериш кўникмасини.

Шундай қилиб, касбий-педагогик компетентлик қуйидаги асосий компонентлар билан тавсифланади:

- шахсий-инсоний мўлжал;
- педагогик жараёни тизимли идрок этиш;
- ўз фаолияти соҳасида мўлжал ола билиш;
- педагогик технологияларни ўзлаштирганлик.

Ҳозирги мураккаб давр, шиддатли жараёнлар таълим тизими ходимларидан юксак касбий компетентлик билан бир қаторда мафкуравий компетентликка ҳам эга бўлишни талаб этади. Чунки барчамизга аён бўлган бир ҳақиқат борки, у ҳам бўлса, таълим-тарбия жараёнида таълим тизими ходимларининг ғоявий билимдонлиги ва мафкуравий компетентлигини шакллантирмасдан туриб ёш авлодни маънавий ва ғоявий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўз пайтида қайд этганидек: “Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”⁴⁶.

Демак, «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» бакалаврият таълим йўналишида дарс бераётган, умуман, таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор ўқитувчиларнинг мафкуравий компетентлиги деганда қуйидагилар назарда тутилади:

- ўзининг мустақил фикрига, ғоясига эга бўлиш;
- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини англаб етиш билан бир қаторда уларга дахлдорликни ҳис этиш ва шу жараёнларда фаол иштирок этиш;
- Ватанига садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли бўлиш;

⁴⁶Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

- ўз фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш, фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;
- жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саховатли бўлиш;
- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;
- халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш умуминсоний қадриятларни эъзозлаш;
- фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш фазилатига эга бўлиш

Педагогнинг мафкуравий компетентлиги замирида унинг касбий маънавиятга эга бўлиш қобилияти ётади. Касбий маънавият – инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча бўлиб, у кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Инсоннинг касбга бўлган интилиши, қизиқиши, уни ташкил этиш йўлидаги фидойилиги – касбий маънавиятдир.

Касбий маънавият – маърифат ва маданият билан боғлиқ. Касбий маънавият талаба-ёшларимизда тайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Касбий маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик равақ топади. Касбий маънавиятли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Виждон нима, ёлғон ва рост нима, ор – номус нима, ҳалол ва ҳаром нима – буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради.

4. Талаба ёшларнинг маънавий ва ғоявий тарбиясида педагогларнинг ўрни ва роли.

Маълумки, ҳар бир жамиятда ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатдаги зиёлилар қатламининг асосини ташкил этади ва жамият мафкурасининг объекти бўлган ёш авлод онгини шакллантирувчи катта куч ҳисобланади. Бинобарин, таълим тизимини мафкурасиз тасаввур этиб бўлмаганидек, таълимдаги мафкуравий амалиётни ўқитувчи ва мураббийларсиз ҳам таъсаввур этиб бўлмайди. Ҳусусан, бизнинг жамиятимиздаги таълим жараёнида ҳам

ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда Миллий мафкура ўртасида мана шундай диалектик боғлиқлик мавжуд.

Ҳозирда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятини ташкиллаштириш борасида амалга оширилаётган барча ислохотларда мазкур боғлиқлик ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимиз таълим тизими ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятида туб сифат ўзгаришлар вужудга келтирилди.

Бугунги кунда ушбу тизимдаги ўқитувчилар фаолияти ўзбек халқини бой маънавий ва моддий меросини ёш авлодга етказишда, уларда бу меросдан фахр ва ғурур туйғуларини камол топтиришда ҳамда уларни жаҳон илм-фан ютуқларидан бахраманд бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўз ўрнида касбий маънавиятга мафкуравий тарбия орқали эришилади. **Мафкуравий тарбия** инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, бугунги кунда ўқувчиларнинг мафкуравий тарбиясида таълим тизими ходимларининг ўни ва роли тобора ортиб бормоқда.

Бу йўналишда таълим тизими ходимларига бир қатор талаблар қўйилмоқдаки, уларни амалга ошириш учун тизимнинг ҳар бир ходимидан алоҳида масъулият талаб этилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида миллий ғоя ва маънавий асослари туркумидаги фанларни ўқитишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ватанпарварлик туйғусини таркиб топтириш, уларда миллат руҳи, ғурури ҳамда Ватанга садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурматни шакллантириш.

2. Уларнинг қалбида миллий урф-одатлар, анъаналарга ҳурмат хиссини шакллантириш.

3. Ҳар бир ёшнинг маърифатли ва маданиятли шахс этиб тарбиялашга индивидуал ёндашиш.

4. Буюк Шарқ мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси ҳамда таълим-тарбияда эришган ютуқлари билан талаба ёшларни мунтазам таништириб бориш орқали, уларда аجدодларга муносиб ворис бўлишга интилиш туйғусини тарбиялаш.

6. Ислом дини таълимоти ва ундаги маънавий-маърифий тушунчаларни талабаларнинг ёш хусусияти ва интеллектал салоҳиятига қараб, дастур ва дарсликларга киритиш.

7. Ҳар бир талабанинг мустақил фикрлашига ва ижодий изланишига йўл очиб бериш.

8. Талабаларда интизомлилик ҳамда қатъиятлилик руҳини барқарорлаштириш.

9. Ғояларнинг ёш авлод ҳаётида тутган ўрнини тўғри баҳолай олишларига йўналтириш.

10. Ғояларнинг ички тури мавжудлиги борасида, вайронкор ғояларнинг хусусияти, шакл-шамойили, кириб келиш йўллари, таъсир этиш усуллари ва воситалари ҳақида мунтазам равишда ўқувчиларга маълумотлар бериб бориш.

11. Талаба ёшларда вайронкор ғояларга қарши кураша олиш кўникмаларини шакллантириб бориш ва ҳк.

Бугунги кун, бугунги давр воқеликлари таълим тизими ходимларидан миллий мафкура соҳасида назарий-методологик билимга ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарурлигини тақозо этади. Чунки, таълим сифатини яхшилаш бевосита ўқитувчиларга боғлиқ.

5. Профессор-ўқитувчиларнинг имидж масаласи, нутқий салоҳияти, кундалик фаолиятда сўз ва амал бирлиги масаласи

Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг мафкуравий компетентлиги хусусида сўз юритганда, уларнинг имиджига, яъни, ташқи кўринишига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки мафкуравий тарбияда ўқитувчининг ташқи қиёфаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши)га амал қилиб, таълим-тарбия жараёнида талабанинг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоклар)дан фойдаланмасликка, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиши зарур.

Бундан ташқари бугунги кун ўқитувчиси нутқий салоҳиятга ва салобатга ҳам эга бўлиши керак. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

- а). нутқнинг тўғрилиги;
- б). нутқнинг аниқлиги;
- в). нутқнинг ифодавийлиги;

г). нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вулгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган

вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д). нутқнинг равонлиги;

нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

Бугунги кун ўқитувчисининг ўз кундалик фаолиятида сўз ва амал бирлигига эришиши ҳам мафкуравий компетентлик мезонларидан бири саналади. Зеро ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур.

Талаба, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, талаба (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи киёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Шу ўринда эътибор қаратиш зарур бўлган яна бир масала ҳам борки, бу ҳам бўлса, педагог ходимнинг педагогик жамоа, ота-оналар ва жамоатчилик фикрини илғай олиши илғор ва кенг дунёқарашга эга бўлишидир. Зотан, профессор-ўқитувчиларнинг ғоявий салоҳиятга эга бўлиши ва масъулиятни доимо ҳис қилишининг ёш авлодни миллий ғоя ва миллий ҳамда умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс.

Назорат саволлари

1. Инсониятнинг бутун тарихий йўлидаги тараққиёти нима билан белгиланади?
2. “Инновация” атамаси қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
3. “Innovation” тушунчаси илк марта қачон пайдо бўлди?
4. Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи нимада?

5. Компетенция нима ва ушбу тушунча илк марта қачон, қайси луғатда ишлатилган?
6. Таълимга компетенциявий ёндашув тушунчасининг моҳиятини изоҳланг...

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/23/bmt/>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465 – сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойихаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558>.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. II жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
10. Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983.
11. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. – Т.:ТДПУ, 2013.
12. Урабова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.



13. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

14. Муродхужаев Х.А. Инновацион ривожланиш – бу келажак пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси сайти.

15. Leijten, J. Innovation policy and international relations: directions for EU diplomacy. Eur J Futures Res(2019) 7:

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАР ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни: Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари. Жамият, миллат манфаатларини акс эттирувчи қарашлар. Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари.

Миллий ғоя ва сиёсат. Миллий ғоя, маънавият ва ёшлар тарбияси. Мамлакатимизда миллий ғоя таълимининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва ва маънавий тарбия йўналишлари.

1-илова

Қуйидаги тушунчаларни шарҳлаб беринг:

- Миллий ғоя
- Миллий ғоянинг тарихий-фалсафий илдизлари
- Маънавият
- Сиёсат
- Ёшлар тарбияси
- Маънавий-маърифий ишлар
- Маънавий тарбия йўналишлари

2-илова

Мунозара учун саволлар:

1. Миллий ғоя ўзининг тарихий, дунёвий, фалсафий, диний илдизларини санаб ўтинг...

2. Демократия қандай маънони англатади ва сиёсатшунослар демократиянинг нечта асосий моделини кўрсатадилар?

3. Жаҳон жамиятшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни неча усулда амалга оширади?

4. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий ғоя таълимининг шаклланиши жараёнидаги биринчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қайси?

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинди ва унинг асосий мақсади нима?

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 -сонли қарори қачон қабул қилинган? Ушбу қарорнинг моҳиятини изоҳланг...

3-илова

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи.// Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидги нутқи.// Халқ сўзи, 2017 йил, 21 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78

5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

6. Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

7. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мастаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”. 2000 йил, 8 июнь.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: ЎФМЖ, 2004.

11. Хўжамуродов И.Р. Истиқлол ва ўзликни англаш. – Миллий истиқлол мафқураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. С., 1995.

12. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

13. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.

14. Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. – Т.: Маънавият, 2001.

15. “Ma’rifat” gazetasi, 2001 yil, 20 yanvar.

16. Маънавият юлдузлари (Марказий осийлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
17. Алимова М., Тюменова М., Ҳасанов Ж. Миллий ўзликни англаш жараёнида ижтимоий фаоллик – “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи”. – Гулистон, 2006.
18. Кўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009.
19. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010.
21. Ҳайтов Ш. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
22. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
23. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кировчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.
24. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. – Т.: Маънавият, 2019.
25. Эркаев А. Учунчи Ренессанс – миллий ғоя сифатида. //Халқ сўзи, 2020 йил, 8-сентябрь.

Электрон таълим ресурслари

1. Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи.// <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/11manaviyatningrivojlanishtarixipdf.pdf>
2. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазифалари. // <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar>

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: “ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”

